

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМ УСЛУБИЯТИ  
КАФЕДРАСИ**

**ТОҒАЕВА НОЗИМА**

**5141600- БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМ ВА СПОРТ ТАРБИЯВИЙ ИШ  
ЙЎНАЛИШИ БЎЙИЧА БАКАЛАВР ДАРАЖАСИНИ ОЛИШ  
БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИДА ХАЛҚ ОҒЗАКИ  
ИЖОДИНИНГ АҲАМИЯТИ МАВЗУСИДАГИ**

**БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ**

**Рахбар: Н.Нуралиева**

## МУНДАРИЖА

**К И Р И Ш.....**

### **1-БОБ. БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИДА ХАЛҚ ОҒЗАКИ ИЖОДИНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ ПЕДАГОГИК АСОСЛАРИ..**

**1.1. Ўқувчиларини халқ оғзаки ижоди рухида тайёрлашнинг аҳамияти.....**

**1.2. Ўқувчиларни халқ оғзаки ижоди рухида шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари.....**

### **2-БОБ. БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИ ХАЛҚ ОҒЗАКИ ИЖОДИ РУХИДА ТАЙЁРЛАШНИНГ ҲОЗИРГИ АМАЛИЙ ҲОЛАТИ.....**

**2.1. Дарс жараёнида бошланғич синф ўқувчиларини халқ оғзаки ижоди рухида шакллантиришнинг шарт-шароитлари.....**

**2.2. Тажриба-синов ишлари ва уларнинг натижалари.....**

**ХУЛОСА ВА ТАВСИЯЛАР.....**

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....**

## КИРИШ

**Мавзунинг долзарблиги.** Ўзбекистон Республикаси ёш авлоднинг билиш фаолиятини шакллантириш ва узлуксиз ривожлантириб боришнинг мақсади вазифалари, мазмуни, воситалари, методларини илмий педагог асосларга таянган ҳолда белгилаб беришни тақозо қилмоқда. Ушбу муоммонинг ечилиши ўқувчиларни ижодий фикрлаши, уларда билимни эгаллаш фаоллиги, мустақил билиш фаолиятини шакллантириш масалаларига боғлиқ. Бунда кичик ёшдаги мактаб ўқувчилари билиш фаолиятини шакллантириш долзарб аҳамият касб этиши яққол намоён бўлмоқда. [1]

Ҳақиқатан ҳам, ўқувчиларини халқ оғзаки ижодига руҳида тайёрлаш ақл-идроқини ўстириш, маърифат зиёсидан баҳраманд қилиш, умумбашарий кадриятлар руҳида тарбиялаш истиқлол талабидир. Бунинг учун аввало ўқитувчининг ўзи ана шундай буюк фазилатларга эга бўлиши керак. Бу унинг зиммасига жуда катта маъсулият юклайди. Демак, бугунги ўқитувчи - таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, ўтмишдан қолган мафкуравий қарашлар ва сарқитларидан тўла халос этиш, таълим-тарбия жараёнини жаҳон ривожланган таълим даражасига кўтаришда фаол иштирок этиши билан бирга ўқувчилар қалби ва онгида халқ оғзаки ижодига асосида тарбиялаш муҳим аҳамиятга эга.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ўқувчиларни халқ оғзаки ижоди асосида тарбиялаш дастлаб оилада, боғчада кейинчалик, мактабда билим олаётган болаларда шаклланади. Таълимнинг пойдевори қанчалик мустаҳкам бўлса, ўқувчининг дунёқараши шунчалик ривожланади. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъбири билан айтганда “Бизнинг асосий бойлигимиз ривожланган давлат тузишга олиб борадиган йўлдаги асосий таянчимиз-инсондир, юксак малакали ва юксак маънавиятли инсондир. Бу нарса айниқса ёш авлодга тегишли”. Халқимиз қадим-қадимдан ажойиб одатлари, ўғитлари бор, юртга муҳаббат, Она Ватанга саждагоҳ, каби муқаддас билиш қабилардир. [2]

Ўқувчиларга қачондан бошлаб, қандай қилиб, қандай усулда ва услубда миллий кадриятларимиз, урф – одатларимизни ўргатишимиз, чуқур англантишимиз керак?» деган саволлар билан ўқитувчилар, олимларнинг фикрини бир қанча муаммоларни ечимига қаратган эди.

Бошланғич таълим мазмунини такомиллаштириш билан бирга унинг шахс камолотидаги аҳамиятини ривожлантириш, ўқувчиларни миллий ва умуминсоний кадриятлар асосида тарбиялаш, айниқса уларда халқ оғзаки ижоди асосида тарбиялаш, баркамол авлодни вояга етказишнинг бош объекти ҳисобланади.

Ўзбекистон мустақиллиги туфайли бошланғич таълим мазмуни тубдан ўзгарди. Миллий ва маънавий қадриятлар асосида янги дастурлар, дарсликлар, ўқув методик тавсиялар, илмий-методик қўлланмалар яратилди. Дунёқараши, Мустақил республикамизда бошланғич синф ўқувчиларни янги талаб асосида ўқитиш ва тарбиялашга алоҳида эътибор берилди. [3]

Ушбу масалага ўтмиш мутафаккирлари ҳам катта эътибор берганлар. Абу Наср Фаробий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али Ибн Сино, Юсуф Хос Хожиб, Алишер Навоий каби мутафаккирлар, Абдулла Авлоний, Фитрат, Маҳмудхўжа Беҳбудий каби маърифатпарварларнинг асарларида халқ оғзаки ижодиётига меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялаш, масалалари алоҳида таъкидланади. Бу йўналишда фалсафа, педагогика, психология, адабиёт, тарих, миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари каби ижтимоий фанлар соҳасидаги олимлар бир қанча илмий тадқиқот ишларини бажарганлар. И.Мўминов, Т.Маҳмудов, Ж.Туленов, С.Шермухамедов, Э.Юсупов, З.Ғафуров, Х.Шайхова, М.Холматова, Ф.Исмоилов, М.Имомназаров каби файласуф олимлар инсон маънавиятини шакллантириш ва тарбиялаш муаммоларини илмий назарий жиҳатдан ишлаб чиққанлар.

Педагогика назариясини такомиллаштиришга ҳисса қўшган олимлардан М.Очилов, Ж.Хасанбоев, Х.Ибрагимов, М.Иномова, С.Нишонова, М.қуронов, Ж.Юлдашев, Х.Юлдашев, С.Х.Файзулина, У.Маҳкамоларнинг илмий тадқиқот ишларида узлуксиз таълим тизимида, оилада, шахсни комил инсон даражасида тарбиялашнинг у ёки бу педагогик илмий муаммолари ёритилган.

Шуни айтиш керакки, бошланғич таълим муаммоларини ечиш, уни назарий ва амалий жиҳатдан ўрганиш доимо долзарб бўлиб келган. Шунинг учун ҳам Қ.Абдуллаева, Абдукаримов, Р.Сафарова, Б.Адилов, Р.Мовлонова, Р.Эргашев, М. Ҳайдаров, Т.Ҳасанов, О.Хасанбоева, Б.Рахимов, Н.Валиева, Н.Жумаева кабиларнинг илмий асарларида бошланғич таълим мазмуни, бошланғич синф ўқувчиларни меҳнат, ахлоқий тарбиялаш, онгли интизом, дўстлик, ўртоқлик кабилар назарий жиҳатдан ёритилган. Х.Бобомирзаев, У.Ражабовларнинг ишларида халқ мақоллари ёрдамида ўқувчиларини халқ оғзаки ижодини ўрганиш асосида тарбиялаш муаммолари педагогик жиҳатдан ишлаб чиқилган. [8]

Бугунги кунда бошланғич синф ўқувчиларини халқ оғзаки ижодининг аҳамияти ёрдамида, ўқувчиларда одамларга меҳр-муҳаббат билан қараш, уларни хурмат қилиш, инсоннинг моддий фаровонлигини юксалтириш ва кишиларда юксак маънавий фазилатларни ривожлантиришга ғамхўрлик қилиш ҳақидаги билим, кўникма ва малакаларини шакллантириш меҳнатсеварликнинг асосий негизини ташкил этади. Адабиётларни ўрганиш ва бошланғич таълим иш тажрибасини кузатишдан шу нарса маълум бўлдики, халқ оғзаки ижоди руҳида тарбиялаш ишлари етарлича ҳал этилмаган муаммо бўлиб келмоқда. Ана шу муаммони назарий ва амалий жиҳатдан ўрганиш мақсадида илмий тадқиқот мавзусини:

«Бошланғич синф ўқувчиларида халқ оғзаки ижодининг аҳамияти» деб белгиладик..

**Тадқиқот мақсади**- Бошланғич синф ўқувчиларида халқ оғзаки ижодининг мазмунини, шакл ва методларини, тизимини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқот объекти** – Бошланғич синф ўқувчиларида халқ оғзаки ижоди руҳида тайёрлаш жараёни.

**Тадқиқот предмети** - ўқувчиларни халқ оғзаки ижоди руҳида тарбиялаш жараёнида, бошланғич таълим фаолияти.

**Тадқиқотнинг илмий фарази.** Агар:

- бошланғич таълим мазмуни демократия, миллий ва умуминсоний кадриятлар асосида ташкил этилса;
- халқ оғзаки ижодида ўзига хос хусусиятлари шарқона тарбия ва дастур, режа асосида ташкил этилса;
- дарс ва дарсдан ташқари жараёнда халқ оғзаки ижодида тарбиялаш тизими ишлаб чиқилса; бошланғич синф ўқувчиларида халқ оғзаки ижодида тарбиялаш жараёни самарали натижа беради.

**Тадқиқотнинг мақсади ва илмий фаразига асосланиб қуйидаги вазифалар белгиланди:**

1. Бошланғич синф ўқувчиларида халқ оғзаки ижодининг аҳамияти – педагогик муаммо эканлигини назарий жиҳатдан асослаш.
2. Бошланғич синф ўқувчиларида халқ оғзаки ижодининг педагогик хусусиятларини ишлаб чиқиш.
3. Бошланғич синф ўқувчиларида халқ оғзаки ижодининг педагогик шарт-шароитларини аниқлаш.
4. Бошланғич синф ўқувчиларида халқ оғзаки ижодининг шакл ва методлар, воситалар тизимини ишлаб чиқиш, илмий асослаш ва тажрибада текшириш.
5. Бошланғич синф ўқувчиларида халқ оғзаки ижоди бўйича ўқувчилар учун методик тавсиялар тайёрлаш.

**Тадқиқотнинг методологик асоси.** Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Президент И.А.Каримовнинг таълим-тарбия ҳақидаги асарлари ва нутқлари, Миллий истиқлол ғояси; асосий тушунча ва тамойиллар концепцияси, Ўзбекистон давлатининг миллий ва маънавий кадриятлари ҳақидаги фармонлари, ҳукуматимизнинг умумий ўрта таълим мактаблар ҳақидаги қарорлари, Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» қонунлари, Ўрта Осиё мутафаккирларининг инсон тарбияси ҳақидаги фикрлари, баркамол авлод тарбиясига оид фалсафий, психологик, педагогик таълимотлар, мавзуга тегишли илмий-педагогик, методик манбаларни ташкил этади.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги ва назарий аҳамияти** қуйидагиларда ўз аксини топган;

- Бошланғич синф ўқувчиларида халқ оғзаки ижодининг мазмуни ва моҳияти илмий асослаб берилди;

- бошланғич таълим босқичининг 1-4 синф ўқувчиларида халқ оғзаки ижоди руҳида тайёрлашнинг омиллари аниқланди;

-халқ оғзаки ижоди намуналари ёрдамида ўқувчиларнинг ўқув фаолиятида меҳр-мухаббатга бўлган муносабати кўрсатиб берилди;

- ишлаб чиқилган услубиятнинг педагогик самараси «Ўқиш» «Меҳнат» ўқув фани бўйича тайёрланган. Дарс ишланмалари тажриба синов ишлари синфларда текшириб кўрилди.

**Тадқиқотнинг амалий аҳамияти.**

Бошланғич таълим бўйича тавсиялар, халқ оғзаки ижоди намуналарига оид илмий назарий маърузалар тайёрлашда, амалий ишларини такомиллаштиришда, иш тажрибаларини оммалаштиришда, тарбиявий ишларни амалга оширишга хизмат қилади.

**Ҳимояга олиб чиқиладиган ҳолатлар:**

- халқ оғзаки ижоди намуналарини шакллантириш ва ривожлантиришга тизимли ёндошиш;

- халқ оғзаки ижоди руҳида тайёрлашнинг илмий–педагогик усулларни ишлаб чиқиш.

- бошланғич синф ўқувчиларида халқ оғзаки ижодининг шакли ва методлари ҳамда самарадорликка эришиш йўлларини таъминлаш;

- бошланғич синф ўқувчиларида халқ оғзаки ижоди жараёнининг фаоллаштириш шакллари ва методлари.

**БМИнинг тузилиши.** БМИ кириш, икки боб ва унинг тўртта таркибий қисми, хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

## **1-БОБ. Бошланғич синф ўқувчиларида халқ оғзаки ижодининг назарий педагогик асослари**

### **1.1. Ўқувчиларини халқ оғзаки ижоди руҳида тайёрлашнинг аҳамияти**

Халқ оғзаки ижоди тарбияси узоқ асрлар давомида шаклланган аجدод-авлодларнинг ахлоқий, маърифий шаклланиши ва камолотида муҳим ўрин эгаллаб келган. Халқ оғзаки ижодида инсон тақдиридаги аҳамияти шундаки у доимо ўзининг ҳаётийлиги, таъсирчанлиги, меҳр-мурувватлиги билан Ватанни мустаҳкамлашга, халқни бирлаштиришга хизмат қилади. Ўқувчиларни меҳр-мухаббат руҳида тарбиялаш доимо ҳаёт ва инсон муаммоларини моддий ва маънавий жиҳатдан ҳал этишда ўз таъсирчанлигини намойиш этади. Тарбиянинг долзарб масалаларини ечишда асос бўлиб хизмат қилади. Ўзбек халқининг меҳнатсеварлиги тарих тўфанларию ур йиқитларига бардош бериб, тажриба-синовлардан муваффақият билан ўтиб, тобланиб, ҳар бир даврда ўз фаолиятини такомиллаштириб, авлодлар тарбиясида ҳал қилувчи ролни ўйнаб келди. Меҳнатсеварлик ўзбек халқининг миллий урф-одатлари билан бевосита боғлиқдир. У халқнинг дарди, миллат манфаати ва эҳтиёжини қўллаб-қувватлайди. Кишиларнинг меҳнатсеварла-шувига, ватанпарварлигига, ўзини англашга таъсир қилади. Халқимизнинг урф-одатлари, анъаналари ҳақидаги билим, малака ва бой тажрибаларини келгуси авлодга ўтишда кўприк бўлиб хизмат қилади. [7]

Халқ оғзаки ижоди, мутафаккирларнинг ҳаракати билангина киритилган эмас. У халқ тафаккурининг узвий қисми бўлган. Шу анъана мустақиллик йилларида янада давом эттирилмоқда. Халқ оғзаки ижоди ҳозирги халқимиз воқелигида намоён бўлиши шундан иборатки, мустақил Ўзбекистон тарихий тараққиётининг энг аҳил йўлидан, тинчлик, барқарорлик ва тотувлик йўлидан бормоқда.

Дарҳақиқат бугунги кунда халқ оғзаки ижодини тарбиялашнинг, энг асосий йўналишлари бўлган тинчлик, барқарорлик, тотувлик Ўзбекистон давлат сиёсатининг устивор даражасига кўтарилди. Яъни, Ўзбекистон сиёсатида тинчлик – бу давлатлар аро ва халқлар ўртасидаги муносабатларнинг зарур сифат ҳолатига айланди. Унинг мазмуни турли миллат халқларига ҳурмат ва ишонч, сувернитет ва мустақилликни сўзсиз тан олиш, нафрат билан куч ишлатиш, балки уни қўллаш билан кўрқитишдан батамом воз кечиш ўрин эгаллади.

Халқ оғзаки ижодиёти ҳаётнинг барча соҳаларида кишиларнинг хулқ-атворида, ижтимоий вазифасини бажариш билан бирга ахлоқий тарбия тамойилларидан биридир. Халқ оғзаки ижодиёти ўзбек халқининг кадриятларидан ҳисобланиб, инсонларнинг жамиятда, оилада, меҳнатда,

бир-бирларига муносабатда ва ўз-ўзларига муносабатидаги меъёрлар ва коидаларнинг йиғиндиси.

Бошланғич синф ўқувчилари халқ оғзаки ижодида тарбиялашда халқ оғзаки ижодининг ўрни ва роли катта аҳамиятга эгадир. Халқ оғзаки ижоди кишининг ҳиссиётига кучли таъсир этиб, ҳаётни уни барча мураккабликларини, қувонч ва ташвишларини тўғри англашга, хар-хил одамларни билиб олишга, уларнинг турли яхши, ёмон хатти-ҳаракатлари мотивларини англаб, тўғри баҳолашга ўргатади. Халқ оғзаки ижодида бурч ва виждон, кадр-қиммат ва ор-номус, ҳалоллик ва олижаноблик каби ахлоқий муаммолар кун тартибига қўйилади. Халқнинг турмуш тарзи, меҳнатдаги жасорати, ватанпарварлиги, инсонпарварлиги, инсоний муносабатлар: дўстлик ва ўртоқлик, севги меҳр-мурувват кабилар тараннум этилади.

Ўзбек халқи бой адабий-бадий, маданий меросга эга. Ўзбек халқ оғзаки ижоди асарлари: халқ кўшиқлари, эртақлар, дostonлар, қадимги бадий ёзма ёдгорликлар: Маҳмуд Қошғорийнинг “Девони луғоти турк”, Аҳмад Югнакийнинг “Ҳибатул-хақойиқ”, Юсуф Хос Хожибнинг “Қутадғу билиг”, асарлари: ўрта асирларда яратилган Ибн Синонинг “Донишнома”, “Тибий дoston”, Саъдийнинг “Тулистон”, “Бўстон”, Кайковуснинг “Қобуснома”, Жомийнинг “Баҳористон”, Аҳмад Ясавийнинг “Ҳикмат” ва бошқа кўплаб “Одобнома” шаклидаги бадий асарлар: Ўзбек мумтоз адабиёти: Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Аваз Ўтар ўғли, Фурқат ва бошқаларнинг асарлари: XX ўзбек адабиёти вакиллари:

Абдулла Қодирий, Фитрат, Чўлпон, Усмон Носир, Бехбудий, Абдулла Авлоний, Ҳамза, Садриддин Айний, Ҳамид Олимжон, Ойбек, Миртемир, Гофур Ғулом, Қуддус Муҳаммадий Ҳамид Ғулом, Саида Зунунова, Зулфия ва бошқа ёзувчи, шоирларнинг бадий асарлари юксак инсоний ахлоқий ғоялар руҳида бўлиб, бошланғич синф ўқувчиларини ахлоқий тарбиялашнинг кучли воситаси сифатида халқ оғзаки ижодида бебоҳа манба бўлиб хизмат қилади. . [ ]

Халқ оғзаки ижодининг тарбиявий имкониятларини тўла рўёбга чиқариш учун, аввало, ўқувчилар орсидан турли адабий кечалар ўтказиш, шеърхонликлар намойиш қилиш, халқ ўғитларидан намуналар келтириш лозим.

Биринчидан, адабий кечанинг тарбиявий мақсадини аниқлаш ва шу мақсад асосида унинг мазмунини белгилаш зарур. Адабий кеча учун бадий асар танланганда қуйдаги меъёрларга амал қилинади: бадий асар юксак ахлоқий меъёрларни ўзида мужассамлаштирган бўлиши ва унинг бадийлик даражаси юқори бўлиши керак. Адабий асарнинг бадий даражаси юқори бўлиши зарурлигининг сабаби шундаки, асарнинг шакли ва мазмуни ёшлар қалбини тўлқинлантира олиши, юксак эстетик дид, ҳис-туйғуларни уйғота оладиган бўлиши жуда муҳимдир. Бадийлик даражаси паст асарлардан Фойдаланишнинг тарбиявий таъсири кечанинг қандай ўтишидагина эмас, кўпроқ уни қандай тайёрлашда бўлади, хатто тингловчиларнинг ҳис-туйғуларига тескари таъсир этиши ҳам мумкин.

Иккинчидан, адабий кечанинг тарбиявий таъсири кечанинг қандай ўтишидагина эмас, кўпроқ уни қандай тайёрлашди бўлади. Чунки адабий кеча қанчалик яхши қизиқарли бўлмасин, у қисқа муддатли воқеа, лекин жараён эмас.

Халқ оғзаки ижодида адабий кечани тезроқ ўтказиш учун кечада иштирок этишга ихтидорли, қобилиятли, болалар танланади чунки уларнинг тайёрланишида кўп вақт кетмайди, ўртача ўқийдиган ўқувчилар бунинг учун кўпроқ вақт сарфлаши, пешона тери тўкишига тўғри келади.

Халқ оғзаки ижодиёти- деганда оддий меҳнаткаш халқ яратган ва авлоддан-авлодга ўтиб келаётган тарбия борасидаги қарашлар, ғоялар, тажрибалар, урф-одат ва анъаналарнинг мажмуаси тушунилади. Бу халқимизнинг ўзи яратган топишмоқ, матал, мақол, масал, зртак латифа ва дostonларда ўз ифодасини топган. [ ]

Ўзбек халқ оғзаки ижодиётида меҳнат тарбияси ва касб-хунар эгаллаш, бола камолатининг бош омили сифатида талқин қилинади. Шубҳасиз, топишмоқлар болаларда зеҳн ва идроклик илк кузатувчанлик фаросатни ўстириш ва уларни мантиқий шакиллашг ўргатиш билан бирга, меҳнат ва меҳнат ахлини қадрлашга, касб-хунарни эгаллашга ўргатади. Халқ оғзаки ижодидан матал, топишмоқ, шеър, масал, дoston ва мақоллардан намуналар келтирамиз.

### Топишмоқлар.

Биз бу ерда турамыз,  
Хизмат бўлса қиламыз.  
Икки сохиб бошида,  
Икки қатор бўлиб оламыз.

*(Арра)*

Танасида оғир боши,  
Кўп жойда у иш боши.

Меҳнатидан ҳамма рози,  
Тақа-тўқ, там-туқим овози.

*(Волга)*

Бекорчига керакмас, Ишлаганга  
билинмас. Қарасангиз кўринмас.

*(Вақт)*

**Бурчакни топиб олиб,  
Хунарин ишга солиб,  
Тўр тўқийди тинмайин,  
Тўқиган тўри ипсиз.**

*(Ургимчак)*

**Мехнат қилар тинмайин,  
Чар-чаш нима билмайин.  
Иноқ бўлиб тўп яшар,  
Қишда мухтож булмайин.**

*(Чумоли)*

**Мехнат 1милиб толмайди,  
Сира ором олмайди.**

*(Соат)*

Бундай мазмундаги топишмоқлар ёшларнинг амалини чархлашда, дунёқарашининг шаклланишида, меҳнат ва касбзаунарга эгаллаш замирати эҳтиёж эканлигини тушуниб етишларида тарбиявий восита сифатида даре машғулоти ва синфдан ташқари машғулотларда, оилада, мактабдан ташқаридаги тарбия муассасаларида, болалар гурунгида кенг қўлланса, у тарбиявий ишларнинг самарадорлигини янада оширишда муҳим аҳамият касб этади, албатта.

Ўзбек халқ мақоллардан намуналар: «Бугунги ишингни эртанга қўйма»; «Бахт қушини ушламоқ учун, бахт овига чиқмоқ керак»; «Одам Ватанни севар, булбул чаманни», деган мақоллар ҳам борки, булар билан: Бахт-тилакда эмас, билакда. «Кишининг бахти-бел, билагинг билан бахтга эришолмайсан, билагингни ишга сол, меҳнат қил», демоқчи бўладилар.

Бирни кессанг ўнни эк. Халқимизнинг бу ва бу сингари бир туркум мақолларида кўчат экиш, боғ қилишга тарғиб этилади: «Бир дарахтдан ўн бўлур, ўнтасидан-ўрмон»; «бир туп ток эксанг, бир туп тол эк», «Боғбоннинг тол эккани-ўзига ном эккани».

“Дангасанинг иши битмас, ёз келса ҳам қиши битмас”. Халқимиз ўзининг бир қанча мақолларида ишқмаслик ва дангасаликни энг ёмон иллат сифатида қаттиқ қоралайди, ишламай, бекор лақиллаб юрувчи шахслардан хазар қилади, ишқмасликнинг оқибати ёмон бўлишни турли мақолларда кўрсатади: «Ёз бор, қиш бор, дангасада иш бор?»; «Аёз-аёз кунларда олма терарбоқи акам, қорли-музли кунларда хирмон йиғар боқи акам»; «Эринчоқ экинчидан эринмаган машоқчи ўзибди»: «Иш иштаҳа очар, дангаса ишдан қочар»; «Ёмон косиб бигиз танлар»; «Ишқмас мардикор кетмон танлар»; «Ишликнинг иши битар, ишсизнинг куни ўтар»; «Иши йўқ эшак хуркитар»; «Иши йўқ чивин тутар»; «Ишсиз-иягин уқалар»; «ишчан келса-иш битар, ялқов келса-иш йитар»; «Ишчан ерни яшнатар, ялқов ерни қақшатар»; «Тайёрга-айёр», «Иш деганда-нофармон, ош деганда-жон қурбон» (нофармон-бўйсунмовчи, итоат қилмовчи); «ош десанг –ботир, иш десанг ётир»;

Халқ оғзаки ижодиёда, қадимги халқ кўшиклари ҳам болаларни меҳнатсеварлик руҳида тарбиялашда ажойиб восита ҳисобланган. Фольклоршунос олим Р. Жаҳонгиров бундай кўшиқларнинг тарбиявий аҳамиятига тўхталиб шундай дейди: «Болалар қишлоқда дехдончилик шаҳарда қосиблик кулоллик новвойлик дурадгорлик темирчилик қисқаси, турмушдаги хилма-хил ҳунарларнинг гувоҳми, ҳунармандларнинг дастёри ва ҳамроҳи бўладилар, улар оталари меҳнат жараёнида яратган меҳнат кўшиқларининг илк тингловчиларидир.

Шоҳларим бор газ-газ қулоч,  
Устида ўйнар қалдирғоч,  
Ҳайдай десам қорним оч  
Мен кўшга қандай яраин

Ўроқ ўрмоқ олмоқ-солмоқ,  
Кўш ҳайдамоқ бороқ-келмоқ.  
Ҳаммасидан қийин экан,  
Эй ҳўккизим рўзғор қурмоқ

Ўроғим чаққон,  
Сен менга ёққан.  
Қўлгинам чаққон,  
Меҳнатда боққан.

Майда-майда маросин, майдаё-майда,  
Дон сомондан арисин, майдаё-майда,  
Тонг шамоли эганда, майдаё-майда,  
Бободехқон дорисин, майдаё-майда.

Ўзбек халқ ижодиёти бойликлари ичида катталардан болаларга мерос қоладиган кўшиқларнинг салмоқли тури меҳнат кўшиқларидир, хусусан, қадимги бобо-қасб ҳисобланган дехқончилик билан боғлиқ кўшиқлардир. Меҳнатнинг бу тури билан боғлиқ «Қуш кўшиклари «Ўрим кўшиқлари» «Хирмон кўшиқлари» дехқоннинг меҳнат жараёни ва унинг меҳнат самарасини узида ифода этади.

Бинобарин, «деҳқон меҳнати эрта баҳорда ер ҳайдашдан саналади. Ер ҳайдаш эса оғир жисмоний меҳнат булиб, бунда тинкани қуритадиган меҳнат пайтида дилдан кўшиқ куйлаб, ўзини овутиган ва шу орқали меҳнатнинг оғир азобини унутган.

Қадимги масалларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, халқ болаларни ўзбек халқ оғзаки ижодиётини тарбиялаш воситаси сифатида кенг фойдаланишган. Шу жиҳатдан қараганимизда, қуйидаги масал ибратлидир. Дехқон ўлими олдидан учала ўғлини ўз олдига чақириб, ҳар бирига алоҳида: «Ўзумзордаги тоқлардан бирининг тагига тилла

кўмганман, лекин ҳозир қайси бирининг тагига кўмганлигимни эслолмаянман, тилла кўмган жойимни топсанг, бойиб кетасанлар»,— деди. Ака-укалар отасининг насихати буйича тиллани роса кидиришади. Натижада узумзордаги токларнинг таги ковлаб ташланади. Аммо тиллани ҳеч ким топа олмайди. Қизиғи шундаки, шу йили токлар одатдагидан икки-уч барабар куп ҳосил беради. Узумзордан тушган даромад ака-укаларни бойитиб юборади. Шундан сўнггина ака-укалар оталарининг қилган панду насихатларини эслаб, унинг ҳеч қандай тилла кўммаганлигини, балки била туриб, болаларининг фақатгина ҳалол меҳнат қилишлари ва бунинг эвазига бойишлари учун шундай деганлигини тушуниб етганлар.

Демак, халқ оғзаки ижодиётида масалларда шуни кўриш мумкинки, масалларда халқ қўллаган тарбия усуллари турли-тумандир.

Эртақда ҳам халқнинг меҳнатга, меҳнат аҳлига бўлган муносабати ва болаларнинг касб-хунар таълими янада чуқурроқ тасвирланганлигини кўрамыз.

Юқоридаги эртақлардаги каби деярли халқ достонларида ҳам меҳнатсеварлик ва хунар ўргатиш боланарнинг ёшлик чоғидан бошланиши, бу тарбиявий иш тегишли ҳаётий тажрибага эга бўлган кишилар орқали бажарилиши ҳақида ган юритилади. Маслан: «Ёдгор» достонида, «элдан эл кетса меҳнат, элга эл қўшилса ланат» деб, ўлкани обод қилиш учун ҳамкорликда меҳнат қилиш назарда тутилган бўлса, «Хасанхон» достонида эса ўлканинг фаровонлиги дехқон ва косибу хунармандларга боғлим эканлиги алоҳида таъкидланади:

Қирк йилдирки Чамбил элнинг хониман.  
Элимни севган ширин жониман.  
Бизнинг эл одами кўп узоқ яшар,  
Жойлари ўтлоқдир, сувлари авшар.  
Киштирок қилганнинг давлати тошар,  
Боғлар мевазор, олмай анор.  
Бирор кўрган кишининг меҳри қонар,  
Бизнинг элнинг ўғил қизлари хунарманд.  
Ҳар қайси хунарчи бир иш билан банд,  
Шундай хуш хавоси бордир элимнинг.

“Рустам хон” достонида Тоғай образи орқали меҳнаткаш оммага исопарварлик фазилатлари ва меҳнаткаш аҳлининг маънавий қиёфаси, орзу умидлари тасвирланган.

Халқ оғзаки ижодининг бундай намуналари, кишининг ахлоқий меъёрларини чуқур англаши (билиши) ва уларга сўзсиз амал қилишидир. Меҳнатсеварлик инсоннинг шахсий қарашларига, эътиқодларига ва одатдаги хулқ-атвор шакллари белгиловчи принципларига айланади.

Халқ оғзаки ижодининг бундай намуналари ўқувчиларда хулқ-атворнинг ижтимоий қимматли сифатларини шакллантиришни ва уларнинг ўзаро бир-бирларига, оилага, бошқа инсонларга, Ватанга, меҳнатга,

жамиятга муносабатларини аниқлайдиган ва аниқ мақсадга йўналтирилган фаолиятдир.

Меҳнатсеварлик нафақат ўқувчиларда ахлоқий билимларни ҳосил қилишни кўзда тутаяди, балки бу меъёрларни шахснинг қарашларига ва эътиқодларига айланиб, унинг одатдаги хулқ-атвор шакллари белгилашини назарда тутаяди. Меҳнатсеварликнинг мақсади-юксак ахлоқли инсонни (шахсни) таркиб топтириш.

Меҳнатсеварликнинг вазифалари:

- меҳнатсеварликни шакллантириш (яъни, шахснинг ахлоқий тушунчалари, қарашлари ва эътиқодлари орқали ифодаланувчи инсоннинг борлиқни руҳий акс этиш шаклини таркиб топтириш);

- меҳнатсеварлик ҳис-туйғуларни таркиб топтириш ва ривожлантириш;

- меҳнатсеварлик кўникмалари ва одатларини шакллантириш;

Меҳнатсеварлик қуйидагиларни ўз ичига олади: шахсда жамият билан алоқадорлик ҳиссини, унга боғлиқликни, ўз хулқ-атворини жамиятнинг манфаатлари билан мослаштириш заруриятини шакллантириш; жамиятнинг ахлоқий идеаллари, талаблари билан таништириш, унинг тўғрилиги ва оқилоналигини исботлаш; меҳнатсеварлик ҳақидаги билимларни ахлоқий эътиқодларга айлантириш, бундай эътиқодлар тизимини шакллантириш; барқарор меҳнатсевар ҳис-туйғуларни ва меҳнатсевар сифатларни, юксак хулқ-атвор маданиятини инсонларга ҳурматни шакллантириш; ахлоқий одатларни таркиб топтириш

-Меҳнатсеварликнинг мазмуни қуйидаги муносабатларни таркиб топтиришни ўз ичига олади:

- жамиятга муносабат (ижтимоий-сиёсий фаоллик, миллий истиқлол мафқурасига содиқлик, жамият ривожланиб бориши ва истиқболларини тушуниш, мамлакат ичкарисидаги ва халқаро миқёсдаги воқеаларни тўғри баҳолаш, бурч ва маъсулиятни ҳис қилиш, сахийлик, саховат, меҳр - оқибат, эҳтиёткорлик, интизомлилик, қонунбузарликка нисбатан мурасизлик ва б.);

- меҳнатга муносабат (меҳнатсеварлик, ишбилармонлик, тежамкорлик, меҳнат маданиятининг мавжудлиги, ўқишга маъсулиятли муносабатда бўлиш ва б.)

- Ватанга муносабат (ватанпарварлик, байналминаллик);

- бошқа инсонларга муносабат (ўзаро ўртоқлик ёрдам, хушмуомалалилик, меҳр-оқибат, оиладаги ўзаро ҳурмат, бурч ва жавобгарлик ҳамда болалар тарбияси тўғрисидаги ғамхўрлик ва б.)

- ўзига муносабат (ўз ижтимоий бурчини юксак даражада англаш, ҳалоллик ва ростгўйлик, ахлоқан поклик, турмушда оддийлик ва камтаринлик, ахлоқсизликка нисбатан мурасизлик).

Шуни айтиш керакки, бошланғич таълим инсон ҳаётида биринчи ижтимоий босқичдир. Чунки бошланғич таълим болаларнинг ёшлигиданок уларнинг онги, иродаси, сезгисига йўналиш беради. Катталарнинг ғамхўрлигида бола ўз ҳаётий тажрибасини тўплаб боради, ўзини ўраб

турган атроф муҳитдаги бошланғич оддий тушунчага жамият ҳаётидаги билим ва кўникмага эга бўла боради.

Боланинг ҳақиқий софдил ва адолатли мард ва олижаноб раҳмдил, ўз Ватанинг ватанпарвар, меҳнатсевар ва яратувчи бўлиши унинг бошланғич таълим босқичида эгаллаган билими ва тарбиясига боғлиқ. Шунга кўра бошланғич таълим олдида турган вазифа жуда жиддий улкан аҳамиятга эга. Бошланғич таълим боланинг ўз ҳаётини жамият манфаати билан боғлаб бориши, ички муносабатлардан ижтимоий муносабатларга ўтиши, олдида қўйилган ҳаётий мақсадлари эса жамият мақсадлари билан муштарак бўлишига эришмоғи керак. Бунинг учун бошланғич таълим педагогик жамоаси болаларга билим бериш билан бирга мураккаб тарбиявий ишларни амалга оширишлари лозим. Бошланғич таълим мазмунида болаларни меҳнат, ижтимоий ва шахсий ҳаётга тайёрлашга зарур бўлган ҳамкорлик, самимият ва ўзаро ёрдам натижасида ёш авлодни тарбиялашга алоҳида аҳамият берилган. Бошланғич таълим шахснинг шаклланишида у ўсиб вояга етадиган шарт-шароитларида муҳим роль ўйнайди.

Болалар фаолиятини оқилона ташкил эта билган ўқитувчи катта ютуқларга эришиши мумкин. Бунинг учун ўқитувчилар тарбиянинг моҳиятини вазифасини, аввало ўзлари яхши тушунган ҳолда болаларнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олиб уларга ижобий таъсир кўрсата олишни билишлари зарур.

Халқ оғзаки ижодиётида болалар интизоми, маъсулиятининг дастлабки сабоқларини оладилар. Мавжуд тартибга бўйсундилар. Бироқ бу ҳам болаларнинг мустақиллиги ва ташаббуси, онгининг ўсишига асло монелик қилмаслиги керак. Болалар спорт ўйинларини айниқса бу ўйинларда мусобақа элементларининг бўлишини севадилар. Шу сабабли ўқитувчилар болалар ўйинига жиддий эътибор беришлари ва тарбия мазмунидан оқилона фойдаланишлари лозим. Бунда болаларнинг белгиланган ўйин қоидаларини қатъий бажариш, ҳақкам (судья) қарорига бўйсунтиришга ўргатиш муҳим. Бундай ўйинлар болаларда таъсирланиш (реакция)нинг тезлиги, чакқонлик, ҳаракатчанлик, интизомлилик, мустақил-ликнинг ривожланишида катта аҳамиятга эга.

Бунинг учун ўқитувчилар болалар ўйинларига ниҳоятда қизиқиш билан қарашлари лозим. [ ]

Шунга мувофиқ, халқ оғзаки ижодининг бундай намуналарини шакллантиришда ўқувчиларга махсус билимларни бериш билангина чекланиб қолмай, уларнинг умуминсоний кадриятлар ҳақидаги тасаввурларини кенгайтириш, маънавий дунёсини бойитиш, ўз фаолиятларида меҳнатсеварлик тарбиясига қаратилган қулай муҳитни яратиш бера олишлари лозим. Шунинг учун ўқитувчи нафақат билим бериши, балки ўқувчиларни меҳр-мухаббат руҳида тарбиялашни шаклланиб ривожланиши учун ҳам шарт-шароит яратиши зарур.

## 1.2. Ўқувчиларни халқ оғзаки ижоди руҳида шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари

Баркамол авлодни вояга етказишда, уларни ҳар томонлама комил инсон этиб тарбиялашда бобокалонларимиз мероси бой миллий қадриятларимиздан, маданий ёдгорликлардан тўғри ва оқилона фойдаланиш таълим-тарбия соҳасининг устивор йўналашларидан биридир. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида бу муаммога алоҳида ўрин ажратилган.

Кейинги йилларда таълим тизимининг барча бўғинларида таълим ва тарбия мазмунини тубдан ислоҳ қилинди. Мустақиллик шарофати билан миллий қадриятлар, урф-одатлар, анъаналаримиз, ахлоқ-одоб маданиятимиз қайта тикланиб, таълим-тарбия мазмунининг асосига айланди. Зеро, ўсиб келаётган ёш авлод ўз миллий қадриятларини, ахлоқ-одоб маданиятини ўзлаштириши ва ҳурмат билан қараши лозим. Шундагина у ўз юртининг ҳақиқий вакили деган улуғ унвонга эга бўлади.

Ўзбек халқи тарихан таълим-тарбия соҳасида ўзига хос дорулфунун яратган. Бу борада халқ педагогикаси бой тажрибага эга. Бугунги кундаги тарбия мақсад ва вазифаларини ҳал этишда унинг ўрни бекиёсдир.

Бугунги кунда миллий тарбия анъаналарига оид муаммолар юзасидан кўплаб тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Педагог олимларимиз томонидан яратилган бир неча рисола, қўлланма, илмий тадқиқот ишлари бунга яққол мисол бўла олади. Айниқса «Халқ таълими», «Бошланғич таълим» журналларидан кўплаб мақолалар, топишмоқлар шу мавзуга бағишланган. [ ]

Биз ўз битирув малакавий ишимизда ўқувчиларини халқ оғзаки ижодиётига меҳр-мухаббат руҳида тайёрлаш масалаларини ёритишга ҳаракат қилдик.

Бошланғич таълим мазмуни миллий қадриятлар материалларига бой. Кўплаб дарслик ва қўлланмаларга халқ оғзаки ижоди бўлган эртак, мақол, ривоят, ҳадис, достон, қисса, афсона, топишмоқ, фальклор, халқ куйи ва кўшиқлари киритилган. Улар ўз мазмуни моҳиятига кўра ёш ўқувчиларда миллий одоб-ахлоқ маданияти асосларини шаклланишига хизмат қилади.

Халқ оғзаки ижоди воситаларидан мақсадли ва унумли фойдаланиш учун бошланғич синф ўқувчиси юксак педагогик маҳоратга эга бўлмоғи лозим.

Ўзбек халқи бой маданий меъросга эга эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Аждодларимиз азалдан ёш авлоднинг камол топишига қайғуришган. Уларни ахлоқ-одобли, жасур, садоқатли, ўз юртига вафодор, фидокор, катталарга, ота-оналарига ва бошқаларга меҳрибон, тўғри, ҳалол пок бўлишларига ҳаракат қилишган. Бунинг учун тарбия воситалари бўлмиш халқ оғзаки ижодиёти намуналаридан самарали фойдаланилган. Чунки, дастлабки тарихий тараққиёт даврида ёзма нутқ ривожланмаган, бой

маданий меърослар оғиздан-оғизга ўтиб келган ва кейинчалик улар ёзма тарзда ўз ифодасини топган.

Ҳаттоки, Куръони карим суралари, Хадису шарифлар ҳам дастлаб ёд олинган, оғзаки қироат қилинган, баён этилган. Юқорида қайд этганимиздек диний қадриятлар билан бир қаторда халқ оғзаки ижодига эртак, дoston, ривоят, афсона, мақол, топишмоқ, халқ куй ва кўшиқлари кабилар киради. Улар тирбия воситаси сифатида ёш авлодни ҳар томонлама шаклланишига таъсир кўрсатиш кучига эга.

Мустиқил Ватанимизга ҳар томонлама етук, мукамал, ахлоқий пок, маънавий устивор, иймон-эътиқоди бутун, ўз халқи ўз она Ватанига фидойи, жисмоний баркамол кишиларни етказиш керак. Дарҳақиқат, Ватан тақдири, халқ равнақи, мустақил юртнинг келгуси бошқарувчиси-яъни, ёш авлод тарбияси биринчи ўриндаги масалалардандир. Жуда қийин, ўта масъулиятли, катта ғайрат-шижоат, куч-қувват, меҳнат талаб этадиган бу вазифани удаллашимизда ўзбек халқ оғзаки ижоди, мумтоз ва ҳозирги замон адабиётининг ўрни бекиёсдир.

Халқ оғзаки ижоди ёш авлодда маънавий-ахлоқий, инсоний қадриятлар ва юртсеварлик, дўст-биродарлик, аҳиллик, меҳнатсеварлик, касб-ҳунарга муҳаббат, яхшилик ва ёмонликнинг, яхши ва ёмон сўзнинг оқибати, ҳалоллик, тўғрилиқ, олижаноблик, адолат, инсоф ва инсофсизлик, дўст-биродарлик, оға-иничилиқ, одоб ва қон-қариндошчиликнинг аҳамиятини, ботирлик ва кўрқоқлик, одоб-одобсизлик, меҳмон ва меҳмондўстлик, саҳийлик, баҳиллик ва камтарлик, сабр қаноат ва сабрсизлик оқибати, кадр ва кадрсизлик, муҳаббат, вафо ва бевафолик, тажрибакорлик, калтабинлик ва ишончсизлик, ор-номус ва номуссизлик, самимийлик ва носамимийлик, андишалиқ ва андишасизлик, тежамкорлик ва исрофгарчилик, режа ва режасизлик, меъёр ва меъёрсизлик, масъулият ва масъулиятсизлик, вақт ва фурсат, фойда ва зарар, соғлом тарбия, тозалиқ ва озодалик, каттага ҳурмат, ёшга меҳр-шавқат, йўл ва йўлдош, евинч ва ғам, сўзлашиш, юриш-туриш, саломлашиш, кўча одоби, овқатланиш маданияти, муомала, жамоат ва катталар олдида ўзини тутиш, катталарга қарашиш каби фазилатларни шаклланишига хизмат қилади. [ ]

Ўзбек халқ оғзаки ижодидаги ҳар бир жанр бир олам, одоб, таълим-тарбиянинг ўзига хос дарслиги дейиш мумкин. Фальклорнинг ҳар бир жанр намунаси тарбиянинг умумий жиҳатларини акс эттиришдан ташқари, яхшилик, эзгулик ва одамийликни гўзал, ибратли мисолларда тасдиқланиш, даъват этиши, юктириши билан бирга аниқлик ҳам касб этади.

Эпик ижод намунаси қаҳрамонлик, ижодий-романтик, тарихий дostonлар кўпроқ ишқ муҳаббат ва вафо қандай бўлишлиги, ўзлигини таниш, ор-номус, бурчни англаш, иймон-эътиқодли бўлиш, инсон ва ҳайвонот дунёси, қийинчиликлар, тўсиқлар ва мушкул аҳволларни мардона енга олиш, мақсад йўлида қатъиятлилиқ кўрсатиш, ирода, матонат кабилардир.

Халқ куйи ва кўшиқлари гўзаллак, самимият, меҳар-шавқат, орзу-умид, қувонч-шодлик, ғам-ғусса, армон, қисқаси мазмун ва маълум туйғуларни тараннум этиш орқали ҳар қандай кишида чуқур инсоний туйғуларни ўстиради, ҳаётга, табиатга, инсонга чексиз муҳаббатни камол топтиради. Эртақлар орқали болалар сирли-сеҳрли олам билан танишади, бу борадаги билими, тушунчалари бойийди, яхши одамлардаги яхши хислатлар, ёмонлардаги бадхулқлар билан хабардор бўлиб, яхшиликка меҳри тобланади, ёмонликка нафрати ортади. Халқ донишмандлигининг юксак бадиий тимсоли, қисқа, содда, аммо ҳар бирининг маънолари катта-каттаки тобларга жо бўла оладиган-мақоллар, маталлар, хикматлар, қайроқи сўзлар, афористик иборалар, ҳам халқ педагогикаси анъаналарининг саррин саҳифаларидандир. Бундай одобнома, ибратнома, қадриятшуносликка оид саҳифалар орасида кишини ақл-заковат, уддабурронлик, топқирлик, фикр-мулоҳазага ўргатувчи топишмоқлар, яхши кайфият, тетиклик, бардамлик, умидворлик уйғотувчи, умрга-умр кўшишда муҳим таълим-тарбиявий ролни ўйнавчи латифалар, аския, қизиқчилик намуналари ҳам ўзига хос одобномалардир.

Асотирлар, афсона ва ривоятлар эса донолар-донолиги, ибратли, шунингдек табиатни асраб-авайлаб, қадрига етиш, сақлаш, чиройига-чирой кўшишга бўлган иштиёқни ўстириш, экологик тарбияни йўлга қўйиш, камол топтиришда муҳим манбалардан бўлиши, педагогика тарбиянинг етакчи соҳаларига айланиши табиийдир.

Халқ педагогикаси анъаналарида муҳим ўрин тутувчи инсон одоби, таълим-тарбиясида ҳал қилувчи ролни ўйнавчи, халқимизнинг асрлар бўйи ўз орзу-умидлари, дард-аламлари, қувонч-шодликлари, яхши кунлар орзулари, мустақиллик ахлоқий қарашлари, умуминсоний ва миллий қадриятлари акс этган фольклор намуналари тарбиявий аҳамийт касб этади.

Миллий истиқлол мафкурасини ёш авлодга сингдириш, мақсадида тарбиянинг асосий манбаларидан бири бўлган халқ оғзаки ижодини ҳар томонлама тадқиқ этиш муаммоси олдида куйидаги вазифалар турибди:

1. Ёш авлодни миллий одоб-ахлоқий тарбиясида фольклор, шунингдек, қадимий қадриятларимизда ифодаланган миллий ва умумбашарий хислатлар асосида тарбиялашга эришиш;
2. Мактаб, бошқа ўқув юртлари тизимини бутунлай ўзгартириб, уни халқимизнинг миллий таълим-тарбияси, миллий анъаналари асосида бутунлай қайта қариш;
3. Халқ оғзаки ижоди том маъноси билан одобнома, халқ педагогикасининг ажралмас қисмидир. Шунинг учун ҳам халқ оғзаки ижоди одобномаси, унинг таълим-тарбиявий томонларидан кундалик ҳаётимизда ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ фойдалана билиш давримиз, истиқлолимиз талабларидандир;
4. Илмий тадқиқотлар ва амалий фаолиятда ўзбек халқ педагогикаси анъаналарининг нафақат ахлоқий, маърифий-эстетик, жиҳатларидан фойдаланиш билан унинг улкан қисми-халқ анъанавий спорти, жисмоний

тарбия ва фольклор ўйинларининг, байрам анъаналарининг фарзандлар жисмоний, ахлоқий тарбияси, бақувватлиги, чакқонлиги, эпчиллиги, қисқаси ҳар томонлама ақлий-жисмоний ривожланишнинг синалган анъаналаридан мақсадга мувофиқ фойдалани билиш зарур бўлмоқда.

Халқ оғзаки ижоди намуналаридаги одоб-ахлоқ, таълим-тарбия борасидаги пандномалар бағоят ҳаётӣ, ҳақчил ва ибратлидир. Хусусан анъанавӣ халқ дostonлари ва эртаклари, қўшиқлар ва мақоллар-одобнома дарслари эканлигини, фольклорнинг бошқа катта-кичик жанрлари бошдан-оёқ пандномалигини унутмаслигимиз керак. Дарҳақиқат, ахлоқий инсонни шакллантирувчи одоб-ахлоқ ҳақидаги халқ қарашлари, халқ оғзаки ижоди асарлари, хусусан дostonларда яшаб келади, уларда одоб-ахлоқ мавзуси ўта донишмандлик билан кенг ишланганига гувоҳ бўламиз. Масалан, «Гўрўғли» силоласига кирувчи «Зайдихон» дostonига назар ташлайлик. Ушбу дostonда машхур баҳодир ва юрт бошлиғи Гўрўғлининг болалиги ва илк орзу умидлари, доимий ҳамроҳи ва йўлдоши Ғиротга эга бўлиб, орномус, кадр-қиммат ва шаън учун бошдан кечирган дастлабки қаройиб баҳодирликлари, кўрсатган шижоат-жасоратлари юксак бадий савияда акс этади.

Баҳодир Гўрўғли ҳам болалигида ҳаётнинг аччиқ-чуччиги, балан-пастини, яхши-ёмони, хиёнат-диёнатни, ризолату-адолатни, ёвузлигу-эзгуликни, рости-ёлғонни, тўғрилигу-эгриликни ҳамиша фарқлай олмайди. Унга буларни ўргатувчи мураббий даркор. Аммо асосий тарбиячилар-отана йўқ. Шу сабабли бу вазифани бажариш ҳомий-Хизр ва Қирқ чилтон зиммасига тушади. Дарвоқе, мислсиз қаҳрамонликлар кўрсата оладиган, жасурлик, давогарлик, марду-майдонликнинг тимсоли бўлган, яхшилик ва эзгулик, одамийлик, эл-юрт учун мардонавор кураша оладиган бўлғуси етук қаҳрамоннинг тарбиячилари, халқ дostonлари анъанасига кўра, фавқулотта донишмандлик фазилатларига, бениҳоя куч-қувват, қудрат ва ахлоқий ҳислатларга эга бўлмоғи лозим. Анъанавӣ дostonлардаги айни шундай ўринларнинг ёшлар ахлоқи, таълим-тарбиясида айрича аҳамияти бор.

Қирқ насиҳатда инонни севиш, ардоқлаш, кадрлаш, эъозлаш унинг бахт саодати учун курашиши зарурлиги кабилар қирқ чилтон насиҳат-дуо-олқишларининг асосий мағзини тамойил этади. Кишиларга муҳаббат, даставвал бири ақл, бири идрок бўлиши ота-онага сидқидилдан муҳаббатдан, ҳаёт бағишлаган азизларни иззат-ҳурматини жойига қўйишдан бошланиши инсоний бурч эканлиги уқтирилади, инсонга инсоннинг ҳурмати, садоқати, меҳр-муҳаббати ифодаланади. [ ]

Бугунги кун таълим-тарбияси, истиклол мафкураси ана шу меъросдан озиқланса, унинг энг яхши саҳифаларини, қоидаларини қабул қилса, ўз олдига қўйган мақсад-вазифаларини шараф билан бажариши мумкин. Чунки, инсонни ҳар томонлама тарбиялаш, камолга етказиш, маънавиятларимизнинг устивор иймон-этикодларимизнинг бутун бўлишлигини, кадрли кадриятларимизнинг кадрланиши гувоҳидир.

Таълим-тарбия жараёнини ислоҳ қилиш, унинг мазмунини миллийлаштириш ва инсонпарварлаштириш ўқув муассасаларининг устивор йўналашларидан биридир. Шунинг учун ҳам бу масалаларни ҳал этишда ўзбек халқ оғзаки ижодиётининг таълим-тарбия соҳасидаги ўрни катта. Таълим-тарбия жараёни аниқ мақсадга кўра ташкил этишнинг асосий шаклларида биридир. Бошланғич синфлада ўзбек халқ оғзаки ижоди намуналаридан киритилган ўқув предметлари ва дарслари кўп. Булар ўқиш, она тили, одобнома, мусиқа каби дарсларидир.

Ушбу ўқув предметлари дастурларини мазмуни ўзбек халқининг миллий-маънавий –ахлоқий меъросларга бой. Аслида, авлод-аждодлармизни баркамол кишилар қилиб тарбиялаб келган биринчи ва тўнғич педагог-ўқитувчи халқидир. У асрлар давомида бола тарбияси соҳасида катта тажрибага эга, унинг бугунги кундаги ўрни ҳам бекиёсдир.

Ўзбек халқ оғзаки ижоди тўғридан тўғри тарбиясига таъсир этиш воситаси бўлиб хизмат қилган ва хизмат қилиб келмоқда.

Жумладан, тез айтиш-болалар нутқини ўстиришга, топишмоқ-болаларнинг топқирлигини тарбиялашга, мақол-болаларнинг одоб-ахлоқ тарбиясига, кўшиқ-боланинг нафосат ва ахлоқий тарбиясига, дoston ва эртақлар-боланинг турли томонлама, маънавий –ахлоқий тарбиясига ижобий таъсир қилиб келган. Тошпишмоқ-қадимдан равиш этиб келаётган бу халқимиз орасида, хусусан ёшлар ўртасида энг кўп тарқалган жанрлардан биридир.

Болаларнинг топқирлигини тарбиялаш ва зеҳнини ўткирлаштиришда, фикрлаш қобилиятларини ўстиришда топишмоқлар муҳим аҳамият касб этади. Ўз хусусиятига кўра топишмоқ икки ва ундан ортиқ болалар ўртасида мустақил фикрлаш йўли билан қизғин савол-жавоб усулида, тортишувлар, бахслар орқали олиб борилади. Топишмоқ болаларни тобора кўпроқ нарса ва буюмларни, табиат ва унинг ҳадисларини идрок қилишга ёрдам беради.

Мақоллар одамларнинг ҳаёти ва турмуши жараёнида тўплаган тажрибалари, дунёқарашини, ўзи яшаб турган ижтимоий ҳаётга бўлган муносабати, ўтмиш ҳаёти ва унинг ибратли сабоқлари, шахснинг руҳий ҳолати, умид ва орзуларини ифодалайди. Шунинг учун ҳам улар бола тарбиясида, хусусан ахлоқ ва одобига ижобий таъсир этишда самарали таъсир кўрсатишга қодир.

Мақолларнинг ўзига хос хусусияти шундаки, ўзбек мақоллари асосан иккинчи шахс-тингловчига нисбатан ўғит-насихат йўсинида бадиий ўхшатишлар орқали айтилади.

Одоб-кишининг зубу-зийнати

Одоб-олтиндан қиммат.

Сўз кишининг ўзаги,

Одоб кишининг безаги.

Яхши бола ёг келтирар,

Ёмон бола доғ келтирар.

Сингари мақолларда одоб-ахлоқнинг қиммати ҳақида ҳам гап юритилса,

Олтин олма, дуо ол,  
 Дуо олтин эмасми.  
 Онанга бошингни ҳам қил,  
 Отанга гапингни кам қил.

каби мақолларда ўғит-насиҳат биринчи даражага кўтарилади.

Кўшиқ-жанри ёшларнинг маънавий-эстетик тарбиясида алоҳида ўрин эгаллайди. Ўзбек халқ кўшиқлари ўқ мазмун ва моҳиятига кўра болаларни нафақат эстетик, балки маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш воситаси бўлиб ҳам хизмат қилади. Масалан, мардлик, ватанпаварлик, дўстлик, ота-онага хурмат, кишининг хулқ-атворини тараннум этувчи куй ва кўшиқлар жуда кўп.

Эртак ва дostonларнинг тарбиявий аҳамияти каттадир. Улар болани ҳар томонлама етук қилиб тарбиялашда асосий омил бўлиб хизмат қилади. Ўзбек оиласида эртак эшитмай улғайган ёшларни тасаввур этиш қийин. Буни тарихда ўтган илм-фан вакиллари, шоир ва адиблар, жамоат арбоблари эътироф этадилар. Жумладан, Ҳ. Олимжон болалик чоғларида тинглаган эртаклари ва унинг таъсир кучини хотирлаб ўтгани кўпчиликка аён.

Эртак ва дostonларнинг тарбия учун муҳим томони шундаки, унда халқ оғзаки ижодидаги топишмоқ, мақол, кўшиқ каби жанрлар жамланган бўлиб, улар педагог ғояларнинг мукамалроқ, таъсирчан бўлишини таъминлайди. Эртак ва дostonларда бола тарбиясининг нафақат ахлоқий, балки жисмоний, ақлий камолот, илм ва ҳунарга муҳаббат, меҳнатсеварлик, маънавий сифат ва нафис дидларнинг таркиб топишига оид кўпдан-кўп педагогик материалларни учратиш мумкин.

Масалан, «Қорасоч пари» эртагида Нодир жуда ёш чоғида отадан етим қолади. Унинг онаси-доя Қамбар. У Нодирнинг сафарга жўнатишдан олдиндан «,, Нодирни бағрига босиб менинг уч насиҳатимни қулоғингдан чиқарма, биринчи-бирова ҳиёнат қилма, иккинча-биронинг дилини оғритма ва учинчи-қайси шаҳарга борсан энг аввало ўша шаҳарнинг қариялари билан суҳбатлашиб иш кўр!» деб, насиҳат қилади ва бола умрининг охиригача она насиҳатига амал қилиб, мурод мақсадига етади. Шунга ўхшаш бошқа эртак ва дostonларда ҳам ахлоқий фазилатлар улуғланади, ноахлоқий хулқ-одатлар қораланади.

Демак, фольклор намуналари тўғридан-тўғри тарбия воситаси сифатида хизмат қилади.

Кичик ёшдаги ўқувчиларда ахлоқий фазилатни шакллантиришда ўзбек халқ оғзаки ижод намуналаридан оқилона фойдаланишда бир қатор тарбия усуллари қўлланилади.

Педагогикадан бизга маълумки, тарбия усуллари-бу бола шахсини ҳар томонлама камолга етказиш мақсадида, унинг онги, ҳис-туйғулари, хулқ-атвори иродасига таъсир кўрсатиш йўллари дир. Улар шартли равишда тўрт гуруҳга бўлинади:

1. Ўқувчиларда ижтимоий онгни шакллантириш усуллари: суҳбат, ҳикоя, тушунтириш, панд-насиҳат, маслаҳат каби усуллар;

2. Ўқувчиларда ижтимоий ҳулқни шакллантириш усуллари: намуна, машқ, одатлантириш, ўргатиш, ўйин ва ҳ.о;
3. Рағбатлантирувчи ва жазоловчи усуллари: мақтов, кўллаб-қувватлаш, уялтириш, танбаҳ бериш, мусобақа ва ҳ.о;
4. Ўз-ўзини тарбиялаш усуллари: шахсий мажбурият, ўз-ўзини назорат қилиш, ўз-ўзини баҳолаш кабилар.

Ўқувчиларни ўзбек халқ оғзаки ижодиётига меҳр-мухаббат руҳида тарбиялашда қуйидаги усуллардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир: суҳбат, ҳикоя, тушунтириш, намуна кўрсатиш, тақлид, одатлантириш, ўргатиш, машқ, ўйин, илтимос қилиш, тилак-истак билдириш, маслаҳат, ундаш, мақуллаш, раҳмат айтиш, дуо қилиш, олқиш кабилардир. Ундан ташқари халқимизда кенг қўлланиладиган тарбия усулларига таъқиқлаш, таъна (гина, ўпка), қарғиш, кўрқитиш, узр сўраш, лаънатлашларини ҳам киритиш мумкин.

Ўзбек халқ оғзаки ижоди ўзбек халқининг сарчашмаси ҳисобланиб келади. Шунинг учун ҳам, инсоният алла, кўшиқлар, афсоналар, эртақ, дostonларда, ўзининг юксак орзу-умидлари, завқ-шавқ-ю курашларини ифодалаган. Халқ оғзаки ижоди ўзининг мазмунан ранг-баранглиги, юксак ғоялар билан йўғрилганлиги халқ турмуши, меҳнати, хуллас, халқ ҳаётининг барча томонлари билан узвий боғлиқлиги билан ҳам ғоятда эътиборлидир. [ ]

Халқ оғзаки ижоди кўпинча катталар томонидан ижод қилинади (алла), баъзи ҳолларда болалар ўз ўйинчоқлари асосида ўзлари ҳам алла, кўшиқ ва овутмачоқлар тўқийдилар. Буларнинг ўаммаси бир бўлиб ўқувчиларнинг онгига фақат яхши тарбияни тарғиб этади. Болалар халқ оғзаки ижодининг педагогика билан боғланиши алладан бошланади.

Алла Халқ оғзаки ижодининг энг ривожланган жанирларидан биридир. Алла болалар бешиқлигида, ҳали тили чиқмасиданоқ айтилади. Бошқача айтганда бешиқ кўшиғи болага она сути билан киради.

Аллалар поэтик жиҳатидан ҳам, оналарнинг ички туйғулари баёни сифатида ҳам халқ ижодининг бўлак турларидан ажралиб туради. Уларнинг боланинг онаси ёки тарбиячиси айтади.

Онанинг юракдан айтган алласида бола образи қисқа, аммо чуқур мазмунли сўзлар ёрдамида ифодаланади.

Алла болам алла  
 Жоним болам, алла,  
 Икки кўзим алла,  
 Ширин сўзим алла.  
 Алла болам бахти бор,  
 Ҳар нарсанинг ваҳти бор.  
 Алла болам алла  
 Жоним болам, алла,  
 Икки кўзим алла,

Ёт, болам, ухла, кўзим,  
 Уйларда ўчди чироқ,  
 Ухлар асаларилар,  
 Ухлар балиқлар тинчроқ.  
 Кўкда ой ярқирайди,  
 Деразадан қарайди,  
 Кўзларинг юмгин кўзим,  
 Ёт қувончим кундузи.  
 Алла, алла, алла.

Ўқувчиларини халқ оғзаки ижодиётига меҳр-мухаббат руҳида тайёрлаш ёрдамида ўқитувчи болани кенг билимлар дунёсига етаклайди. Бола билим олишга қадам қўйган кундан бошлаб ўқиш унинг асосий машғулоти бўлиб қолади. Энди бола ўқувчи бўлганидан кейин эса мактабнинг маълум қоидаларига бўйсунган ҳолда ўқув топшириқларини бажаришга, фақат ўзига ёққан нарсаларнигина бўлиб қолмасдан, балки зарур бўлган пайтда ўзини қизиқтирмаётган нарсаларни ҳам бажаришга тўғри келади. Ана шундай вақтда болалар ўртасида дўстлик ўрнатиш, бир - бирларига ёрдам берадиган даражада тарбиялаш муҳим аҳамиятга эга. Чунки бундай хусусиятлар болани ҳар қандай қийинчиликларни енгишга, уларда мустаҳкам иродани таркиб топиб боришига, қизиқишлар доирасининг кенгайишига асос бўлади. Буларнинг ҳаммаси меҳнатсеварлик тизимини яратишга замин бўлади.

Биринчи синф ўқувчиларининг меҳр-мухаббат ҳақидаги билимлари, малакалари дастлаб дарсларда намоён бўлади. Уларнинг баъзилари ўқиш, сўзлаб бериш, қўшиш ва айришдан ташқари ўз синфдошларига ёрдам берадилар. Ўқитувчи кўпинча таълим жараёнида ёзиш ва санаш малакаларига эга бўлган болани ўз синфдошига ёрдам бериш учун маълум тайёргарлиги бўлмаган болаларга бириктириб қўяди. Ўқитувчининг педагогик маҳорати натижасида болаларда ўқишдаги дастлабки қадамлари муваффақиятли бўлади. Ўқишга бўлган қизиқиши, унинг виждонийлиги, тиришқоқлик, ўз кучи билан муваффақиятга эришишга интилиш каби ажойиб хусусиятлари шаклланиб боради. Хусусан, ўқишга тайёргарлик жараёнида билим, кўникмалар билан бирга кўпгина психологик сифатлар ҳам таркиб топади. Бу сифатлар эса боланинг ҳатти - ҳаракатида, синфдошларига бўлган муносабатида акс этади. Ўқиш жараёнида меҳнатсеварлик бола онгига сингдириб борилади.

Умуман, ўқувчиларини халқ оғзаки ижодиётига меҳр-мухаббат руҳида тайёрлаш даврида, болалар қалбида меҳнатсеварлик пойдевори қўйилади. Булар: ростгўйлик, ҳалоллик, тўғрилиқ, дўстлик, ўртоқлик, саҳийлик, ҳамжиҳатлик, меҳнатсеварлик, ватанпарварлик, хушмуомилалиқ, бошқаларга ҳурмат-иззат, катта-кичикга муносабат кабилар. Халқ мақоллари, масаллари, топишмоқлари, эртақлари, қўшиқлари, лапарлари ёрдамида, ўқувчиларида халқ оғзаки ижодиётининг намуналарини шакллантиришда биринчи синфдан тўртинчи синфгача бўлган давр мобайнида муҳим ўзгаришлар рўй беради. Бу ёшнинг охириги даврларига келиб меҳнатсеварлик ҳақидаги билимлар, тасаввурлар ва мулоҳазалар сезиларли даражада бойийди, онглироқ тус олади, умумийлашади. Биринчи ва иккинчи синф ўқувчилари ўз ҳатти-ҳаракатлари тажрибасига, ўқитувчилари ҳамда ота-оналарнинг берган кўрсатмаларига ва тушунтиришларига асосланган ҳолда меҳнатсеварлик ҳақида мулоҳазалар юритадилар.

Учинчи, тўртинчи синф ўқувчиларининг халқ оғзаки ижодиётининг намуналари ҳақидаги мулоҳазаларида ўз ҳатти-ҳаракатлари тажрибасига асосланиш билан улар бошқа кишиларнинг одамларга кўрсатган

ғамхўрлигини таҳлил қилишга интилиш кўзга ташланади. 7-8 ёшдаги болалар кўпинча тўғридан-тўғри катталарнинг, чунончи ўқитувчининг кўрсатмалари билан меҳнатсеварлик ишларини амалга оширадилар. 3-4-синф ўқувчилари эса ташқаридан бўладиган кўрсатмаларни кутиб ўтирмай, бундай ишларини ўз ташаббуслари билан амалга оширадилар. Бу ёшдаги болаларда меҳнатсевар ҳатти - ҳаракатлар ўзининг барқарорлиги ва

карама - қаршилиги билан ажралиб туради. Ўқувчиларнинг ҳатти - ҳаракатларида инсонпаварлик, меҳнатсеварликка хос бўлган хусусиятлар анча аниқ ва ёрқин бўлади. Бу хусусиятлар кейинчалик ҳаётда таркиб топган меҳнатсеварлик характерлари билан шаклланади. Шунини айтиш керакки, болаларда учрайдиган беихтиёрлик, ўзини тута билмаслик жараёнининг кучсизлиги натижасида намоён булиши мумкин. Шунинг учун ҳам болага ғамхўрлик қилиш, унга ҳурмат муносабатида бўлиш ва кенг жамоа орасида ана шундай муҳитни вужудга келтириш ундан меҳнатсеварликка, инсонпарварликка хос хусусиятларнинг намоён бўлишига олиб келади..

Шунини айтиш керакки, халқ оғзаки ижодиётининг намуналари ёрдамида, ўқувчилар характер жиҳатдан ўзаро фарқланиб турадилар. Уларнинг баъзиларида ўйламасдан, майллар ва тасодифий сабаблар таъсирида ҳаракат қилишлар учраб туради. Бунинг асосий сабаби мазкур ёшдаги болалар ёш бўлгани туфайли ҳатти - ҳаракатларини идора қила билмасликлари ва ташқаридан фаол таъсир этадиган вазиятдан келиб чиқиши мумкин.

«Авесто»да инсон меҳнати моддий нознеъматларни яратиш манбаи (қишлоқ хўжалик мамсулотларини етиштириш ҳамда турмуш шароитини яхшилаш назарда тутилади) бўлганлиги учунгина меҳнат қилишга даъват этилмайди. Бунда меҳнат ахлоқий тарбиянинг асосий воситасидир. Эзгулик яратиш учун киши меҳнат қилиши, ўз қўллари билан моддий бойлик яратиш зарур. Ишқмаслик эса барча нохушчиликларни келтириб чиқарувчи сабабдир. Бинобарин, Зардушт таълимотига кўра, деҳқончилик меҳнати эзгулик ва фаровонлик намоён бўлишининг асосий шакли бўлиб, Ахура Мазда шахиятида мужассамлашган қонунга буйсунишдир. «Дон эккан киши эзгулик уруғини мустамкамлайди». Бу қонуннинг бажарилиши ўз аҳамиятига кўра 10 минг дуо ўқиш, излаб қурбонлик қилишдан аълодир, экин экмोक ёвузликни ер изидан тугатмом демакдир. Бундан шундай хулоса чиқариш мумкин: биринчидан, инсонда олий мавжудот сифатида меҳнат қилиш, моддий нознеъматлар яратиш ва ишлаб чиқариш қобилияти мавжуд. Инсон бу қобилиятини ишга солмас экан, у инсоний кифасини йукотади ваҳшийлашади, ёвузлашади. Иккинчидан, меҳнат инсондаги энг сахийликни кўрсатади, унинг маънавий хатти-ҳаракатини ва хулқ-атворини баҳолашда асосий ўлчов мезони бўлиб хизма] килади.

Шунинг учун ҳам тарихин манбаларнинг гувоҳлик беришича' қадим-қадимдан ота-боболаримиз болаларини меҳнатсеварликка даъват этиб, ўз хуналарини фарзандига ўргатганлар.

Зардуштийлар бошланғич таълим тизимининг асосий бўғинини ташкил этиш 7 ёшдан 15 ёшгача бўлган даврни ўз ичига олади.

Зардуштийларнинг мадраса типигаги ўқув даргоҳларида бошланғич таълим жараёнининг якуни сифатида 6 саъат турини мукамал билиш ва эгаллаш эътироф этилган Булар:

1. Ёзувни ўрганиш
2. ҳисоблай олиш
3. Камондан ўқ отиш.
4. Чавандозлик
5. Диний аҳкомларни бажара олиш.
6. Қироат, кўшиқ айтиш.

Зодагон оилаларнинг фарзандлари ўқитиладиган махсус мактаблардаги бошланғич таълим жараёнида таҳсил олаётган болалар асосан сиёсий ва дипломатик йўналишларда тайёрланишган. Шунингдек бутун ақлий тафақури ва донишмандлик захирасини ишга солиб ҳуқумдога маслаҳатлар берадиган дона маслаҳатчилар, шаҳар вилоятлар волийлари, бошқарувчилари элчилар тайёрлайдиган махсус йўналишлар мавжуд бўлган. Ушбу мактабда таҳсил

оладиган болалар Мустақил мушоҳада қила олиш, мусоҳабага кириша олиш, ўз фикри ва қарашини исбот қила олиш ва унда собит туриш хислатларига эга бўладилар.

Бошланғич таълимни олган ҳар бир зардуштий таълим якунида қасамиёд қабул қилган. “Авесто”да келтирилган шогирд қасамиёди диққатга сазовордир “Токи жоним бор экан , токи қудратим қоим экан, ўз хоҳишим ва йўлбошчиларим амр-иродаси билан эзгуликни истайман”.

Кўришиб турибдики буюк келажакка интилаётган мустақил республикамизнинг эртаси бўлган ёшларни тарбиялаш жараёнида ҳам аждодларимизнинг бошланғич таълим босқичида қўлаган панд-насихатлари, ўғитлар ва хикоялар сифатидаги қарашлари ва фикрларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Миллий ғоямизнинг асосий мақсадларидан бири ҳам -ҳар томонлама баркамол инсонни тарбиялашдан иборат. Комил инсонни эса, бу-озод шахс, эркин фикр юритувчи, ўз халқининг идеаллари учун курашувчи инсон, ўз Ватанига ҳалол хизмат қилувчи кишидир. И.А.Каримов таъбири билан айтганда “Бизнинг асосий бойлигимиз ривожланган давлат тузишга олиб борадиган йўлдаги асосий таянчимиз-инсондир,юксак малакали ва юксак маънавиятли инсондир. Бу нарса айниқса ёш авлодга тегишли”.Халқимиз қадим-қадимдан ажойиб одатлари, ўғитлари бор, юртга муҳаббат, Она Ватанга саждагоҳ, каби муқаддас билиш қабилардир.

Боболаримиз айтадиларки: - Ўз Ватанини севмаган одам - ёмон одамдир.

ХI асрда Марказий осийда яшаб ижод этган Махмуд Қошқарий ўзининг

“Девони луғатит турк” асарида турк халқларнинг Ватанга бўлган мухаббат ва садоқатлари, Ватанни ардоқлаш, Ватанга тегишли ҳар бир нарсани муқаддас билиш, ўзини шу Ватаннинг фарзанди деб ҳис қилиш ҳақийқий инсонга хос фазилат эканлигини уқтиради.

Туркман ўоир Махтумқули инсоннинг бахти ва тинчлиги халқ ва Ватан бахти билан боғлиқ шу сабабли ҳам одамлар Ватан, халқ учун жонларини фидо қилиши керак деган фикирни илгари суради: Ватапарвар чидамли, хушёр бўлмоғи қарак.

Бошланғич синф ўқувчилари ўз олдига қўйган мақсадни узоқ вақт давомида кўзлаб боришни, қийинчилик ва тўсиқларни қатъиятлик билан енгишни ҳали билмайди. У муваффақиятсизликка учраган пайтда ўз кучига ва имконият-ларига бўлган ишончни йўқотиб қўйиши мумкин. Халқ оғзаки ижодининг бундай намуналарини шакллантиришда қарама-қаршиликларни ҳам учратиш мумкин. Бу камчиликлар оила тарбиясида йўл қўйилган нуқсонлар оқибатида пайдо бўлиши мумкин. Бунда бола ўзининг барча талаб ва ҳохишлари қондирилишига одатланиб қолган бўлади. Боладаги бу салбий иллатлар асосан ўз олдига мактаб томонидан қўйган талабларга, норозилик аломатларида намоён бўлади. Шунингдек, бу ёшдаги ўқувчиларда меҳрибонлик, билимга қизиқувчанлик каби ижобий хислатлар мавжуд бўлади. Бу ёшдаги ўқувчиларнинг муҳим ёш хусусиятларидан бири тақлидчи-ликдир. Улар катта ёшли кишиларга ва баъзан тенгқурларига, шунинг билан бирга яхши кўрган китоблари ва кино фильмларидаги қаҳрамонларга тақлид қиладилар. Бу эса шахсий намуна бўлиш орқали шахсга хос ижтимоий қимматли хислатларини тарбия топиш имконини беради. Аммо буни хавфли томони ҳам йўқ эмас. Чунки бу ёшдаги ўқувчи катталардан фақат ижобий томонларинигина қабул қилмайди, балки тақлид объектидаги салбий хислат, қилиқ ва одатларни ҳам шундайлигича кўчириб олиши мумкин. Хусусан, халқ мақоллари, эртаклари, масаллари, ўғитларни ўрганиш ёрдамида ўқувчилар жуда таъсирланувчи бўлиб қоладилар. Бу ёшдаги болаларда идрок, кузатиш, ҳаёллар ва ақлий фаолият ҳиссий буёқларга бой. Яъни халқ мақоллари, эртаклари, масаллари, ўғитларни ёрдамида болалар, айниқса, биринчи ва иккинчи синф ўқувчилари ўз ҳиссиётларини тийиб тура олмайдилар, бу ҳиссиётларни намоён бўлишини назорат қила олмайдилар.

Болалар ўз хурсандчиликларини, ташвишларини, ғамгинликларини, кўрқувларини, қаноат ҳосил қилганликларини ёки қаноатланмаганликларини самимий равишда, очиқ - ойдин изҳор қиладилар. Шунингдек, бу ёшдаги болалар ўзларининг ҳиссиётларининг беқарорлиги, кайфиятларининг тез-тез ўзгариб туриши, рухий ҳаяжонланишга мойилликлари, хурсандлик, ғамгинлик, ғазаб, кўрқувларининг қисқа муддатли ва жўшқин бўлиши билан ажралиб турадилар. Ёшлари улғайган сари уларда ўз ҳиссиётларини бошқариш ва бу ҳиссиётларнинг ёқимсиз намоён бўлишига йўл қўймаслик қобилияти ривожлана боради. Учинчи синфнинг бошларига келганда тобора ортиб бораётган талаблар ва тўғри ташкил қилинган таълим - тарбия ишларининг

таъсири туфайли бу ёшдаги ўқувчиларда менатсеварлик, тиришқоқлик, батартиблик каби фазилатлар пайдо бўлади. Секин-аста уларнинг ҳатти-ҳаракатларида меҳнатсеварлик хусусиятлари ривожлана боради. Ўзини тута билиш ва ҳатти - ҳаракатларини назорат қилиш ҳамда бевосита хиссиётларга берилмаслик малакаси юзага келади. қатъият ва қийинчиликларни енгиш малакаси ўсади

Айниқса, ўзбек халқ оғзаки ижодиёти намуналарини ўрганишда, ёшларда баркамол инсон фазилатларини тарбиялаш узоқ замонлардан бери давом этиб келаётгани, уларнинг хилма-хил шакл ва методларига эга эканлигининг гувоҳи бўламиз. Хусусан, панд-насихат мазмунидаги топишмоқ, мақол, масал, шеър ва халқ ўғитларида бундай фазилатлар маслаҳат, насихат, истак, буйруқ шаклларда намоён бўлади.

### Чин дўст

Менинг жуда ҳам қувноқ,  
Бир дўстим бор, чин ўртоқ.  
Ақлли ишда чоққон,  
Ўзи жуда билагон.  
Ўрнак хар чоғ одобда,  
Доим кўзи китобда.  
Қийин дамимда ҳамкор,  
Бу менинг дўстим- Сардор.

### Сеники

Ширин-шакар мевали,  
Боғлар бари сеники.  
Олтин унган дала уй,  
Конлар бари сеники.  
Амир Темур, Навоий,  
Ал Фарғоний, Бухорий,  
Ардоқлаб ўтган упроқ,  
Ўзбекистон-сеники.

Бундай таълим-тарбияга оид панду-насихатларни халқ оғзаки ижодининг эртак, дoston, айтишув, каби жанрларида ҳам жуда кўп учратиш мумкин. Биз юқорида кўрсатиб ўтган таълимий ахлоқий асарларида ўам баркамол шахсни шакллантиришга доир метод ва усуллар баён этилган.

Халқнинг буюк симоларидан Муслиҳиддин Саъдий таълим ва тарбия тўғрисида фикр юритар экан, у болалардаги туғма қобилият эътироф этиб ёзади:

Қобилият бўлса аслида  
Тарбият унга қилади асар.  
Қанча уринма, бўлмас сайқал,  
Темир аслида бўлмас жавҳар.

Саъдий ҳам бошқа мутафакирлар каби илмда унозара усулини қўллашни тавси этади.

Халқ оғзаки ижодиёти намуналари ёрдамида ўқувчиларида, ўқишга бўлган қизиқишнинг ривожланиши асосан таълимий ишларнинг ташкил қилинишига боғлиқдир. Шунинг учун ўқитувчи бу ёшдаги ўқувчилар билан ишлашда улар қизиқишларининг ривожланиш қонуниятларини назарда тутиши керак. Шуни ёдда сақлаш керакки, қизиқишларнинг ривожланиши оддийдан мураккабга, маълумдан номаълумга, яқиндан узоққа. тасвирлашдан тушунишга, далиллардан умумлаштиришга қараб боради. Бу ёшдаги ўқувчида ўқишга бўлган қизиқишларни тарбиялаш

борасида ўқувчилар қанчалик ёш бўлсалар, таълим шунчалик кўрғазмали бўлиши лозимлигига эътиборни қаратиш керак.

Болада ўз қийинчиликлари ва нуқсонларини тушуниб, англаб олишда унга ўқитувчининг худди катта доно ўртоқдек ёрдам бериши унинг шахсига таъсир этишининг муҳим шарти ҳисобланади. Бу ерда ўқитувчи эътибор бериши лозим бўлган руҳий олам билан боғлиқ бўлган муҳим нозик нарса бор.

Агар таълим жараёнида ўқитувчи ўз талабларининг ўқувчиси жавобида муфассалроқ очиб берган томонларни ҳар йул билан рағбатлантирса, у билан индивидуал тарбиявий ишни мулоқот шаклида эмас, балки меҳнатсеварлик, ғамхўрлик тусида олиб борса, бола ўзининг ички кечинмалари ҳақида очиқ - ойдин гапириб бериш эҳтиёжини намоён қилади. Ўқишда дуч келаётган қийинчиликларини айтиб беради ва айни чоғда ўқитувчининг уни тушунишини, унга ачиниши ва ёрдам беришини шоҳиди бўлади.

Бобур қуйдаги рубойисида эса илмни меҳнатсиз эгаллаб бўлмаслиги, илм ўрганувчидан толиблик, шайдолик, бу йўлда учрайдиган машақатларга бардош бериш учун албатта меҳнат қилишни таъкидлайди:

Ким, ёр анга илм толиби, илм керак,  
 Ўргангали илм толиби илм керак.  
 Мен толиби илму толиби илме йўқ,  
 Мен бормен илм толиби, илм керак.

Тарбиядан тупроқ гавхар бўлади,  
 Ноф ичра кон мушки асғар бўлади.  
 Қийматсиз бир қора темирни искир,  
 Тарбия айлагач соф зар бўлади.

Халқ мақоллари ёрдамида ўқувчиларининг меҳнатсеварлик фазилатларини камол топишида биргалашиб, жамоа бўлиб ўйнайдиган болалар ўйинлари ҳам катта роль ўйнайди. Чунки болалар ўйини фақат ирода, батартиблик, ҳозиржавоблик ва ташаббускорликни тарбиялаш билан бирга ўртоқлик, аҳиллик ҳиссини ва ўз ҳатти - ҳаракатларида жамоа манфаатларини кўзлаб иш кўриш фазилатларини ҳам тарбиялайди.

Шунингдек, халқ мақоллари ёрдамида ўқувчиларида меҳнатсеварликни шакллантиришда меҳнатнинг аҳамияти каттадир. Болалар ўз - ўзига хизмат қилиш, ўқиётган жойларини белгилаш учун бўладиган хатчуп, қутичалар, санаш материаллари, дафтар жилдлари каби ўзлари учун фойдали бўлган нарсаларни тайёрлаш билан шуғулланаётганларида уларда бир - бирига ёрдам бериш фазилатини тарбиялашга катта эътибор бериш керак. Чунончи, синф хонасини тозалаш, мактаб томорқасида ишлаш, спорт майдончасини супуриш, ўзларидан кичик ўқувчилар учун фойдали нарсалар тайёрлаш ва бошқалар бу ёшдаги ўқувчиларнинг бажариш учун қурбилари, кучлари етадиган ижтимоий -

фойдали ишлардир. Зотан уларнинг меҳнат фаолиятларида меҳнатсеварлик хусусиятлари намоён бўлади. У ўзи учун бўлган нарсани қунт билан берилиб тайёрлайди. Бошқалар учун ишлаш тажрибаси ҳали уларда шаклланмаган бўлади.

Умуман, бошланғич синф ўқувчиларини ўз меҳнатлари билан теварак - атрофдаги бошқа одамларга фойда келтиришларини секин - аста англай бошлайди. Бу эса болаларда ғурурланиш, шодланиш ва ўз ишидан мамнун булиш туйғуларини шакллантиради. Аслида, айнан мана шу туйғуларни кичик ёшдаги ўқувчиларда мустақамланиб бориш керак.

Меҳнат тиконидан очилиб вард,  
Райҳони машаққату гули дард.

Меҳнатародур мурод топмоқ, билгил,  
Меҳнатародур кушод топмоқ билгил.

Меҳнат-саломатлик гарови. Меҳнат-қилган дард кўрмайди.  
Меҳнат танга даво, жонга фидо.

Носира, меҳнат ила роҳат ҳамиша биргадир,  
Юз берса ҳар қандай мушкул оғир иш,  
Осон десанг, осон кўчар бу ташвиш.

Меҳнатни шарафлаб, меҳнат аҳлининг қадр-қимматини, унинг манфаати учун астойдил курашишни қомусий олим Абу Али Ибн Синонинг илмий фаолиятида кўришимиз мумкин.

Халқ оғзаки ижодиёти ёрдамида ўқувчиларнинг онгида меҳнатга меҳр-мухабатни шаклланишида устоз - ўқитувчининг роли беқиёсдир. Агар устоз шахсий ибрат кўрсатсагина тарбияда яхши натижага эришиш мумкин бўлади.

Тарбия заминида шахс ҳиссиёти ётади. Шунинг учун ҳар қандай меҳнатсеварлик хусусиятининг шаклланиши ана шу шахс ҳиссиёти билан боғлиқ ҳодисадир. Шахсни шакллантириш ва унинг меҳнатсеварлик сифатларини ўстириб бориш психология фанининг асосий масалалардан биридир. Меҳнатсеварлик, ватанпарварлик, ҳамкорлик, дўстлик, меҳнатсеварлик, ҳалоллик ва поклик каби олижаноб хислатларни ўз ичига олади. Шунга кўра кичик мактаб ёшдаги ўқувчиларда меҳнатсеварлик тушунчасини бир бутун ҳолда ўзлаштиришлари учун ўқитувчи ҳар бир дарсни уларнинг ёшига хос тарзда ўтказиши мақсадга мувофиқдир. Дарсининг мақсади ўқитувчининг ўқувчилар билан биргаликдаги таълим - тарбиявий ишлари натижасини ифодалайди.

Шунинг учун ўқитувчи таълимий мақсадлар билан бир қаторда мавзуга мувофиқ ҳолда меҳнатсеварликни шакллантиришга ҳам аҳамият бериши лозим.

Ўзбек халқ оғзаки ижодиёти намуналарида меҳнатсеварлик ва касбга йўналтириш ғояларини ўқувчиларимиз онгига сингдириш, уларни халқ оммасининг илғор меҳнат ва хунарманчилик анъаналарига бефарқ қарамаслигига ўргатиш лозимдир.

Юқорида кўрсатиб ўтилган ва бошқа қатор вазифаларни бажариш халқ таълими ходимларидан катта куч ва масъулиятни талаб этади. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек: «Бизнинг асосий бойлигимиз, ривожланган давлат тузишга олиб борадиган йўлдаги асосий таянчимиз-инсондир. Юксак малакали ва юксак маънавиятли инсондир».

Бу нарса айниқса ёш авлодга тегишли. Келажаги буюк давлат энг биринчи навбатда, бўлажак фуқароларнинг маданияти, маълумоти ва маънавияти ҳақида ғамхўрлик қилмоғи зарур.

Хулоса қилиб айтганда ўзбек халқ оғзаки ижоди инсон маънавий устиворлиги, иймон-эътиқоднинг бутунлиги, ватанпарварлик, дўст-биродарлик, яхшилик, эзгулик, аҳиллик, қадр-қиммати ва шаънини улуғловчи саҳифалари ранг-барангдир. Бу саҳифаларнинг ҳар бири одобнома, ибратнома деб баҳоланишга тамомила ҳақлидир.

**2-боб. Бошланғич синф ўқувчиларини халқ оғзаки ижоди рухида тайёрлашнинг ҳозирги амалий ҳолати.**

**2.1.** Дарс жараёнида бошланғич синф ўқувчиларини халқ оғзаки ижоди рухида шакллантиришнинг шарт-шароитлари

**Бошланғич синф ўқиш дарсидан (ЗПТ) асосида ёзилган  
1-соатлик дарс режа ишланмаси**

**Мавзу: Зумрад баҳор. (3-синф)**

**АЖРАТИЛГАН СОАТ -1**

**дарс тури :** янги мавзуни баён қилиш.

**Асосий масасалар.**

1. Ўтилган мавзуни такрорлаш.
2. Янги мавзуни ёритиш.
3. Саволлар ва топшириқлар бажариш.
4. Уйга вазифа.

**1-асосий масала бўйича ўқитувчининг мақсади.**

Такрорлаш орқали ўқувчилар билимини мустаҳкамлаш.

**1-асосий масала бўйича идентив ўқув мақсади**

- 1.1. Ўтилган мавзу яъни кўк йўл ҳикояси ҳақида янада кўпроқ билим эгаллайдилар.
- 1.2. Ўтилган мавзуни гапириб берадилар.

**1-асосий масаланинг баёни:**

Азиз болажонлар, биз сиз билан ўтган дарсимизда нима ўтган эдик. “Кўк йўл” ҳикоясини ўтганмиз.

Болалар «Кўк йўл» ҳикоясини ўқиб келдиларингми, хўш у ҳикоя сизларда қандай таасурот қолдирди?

Ўқувчилар ўзлари ўқиб келган ҳикояни гапириб беришга тушдилар. Ўқитувчи уларни номма-ном чақирди.

Ким жавоб беради. Ўқувчилар ҳикояни айтиб савол ва топшириқларга жавоб берадилар.

Жуда ҳам яхши ўзлаштирибсизлар. Ҳикоя нима ҳақида экан. Ўқувчилар биргаликда хўр бўлиб, йўл ҳақида деб жавоб беришда. Яхши биз сиз билан дарсни ниҳоясига етказиб, савол-жавоб билан мустаҳкамлаймиз.

Энди бу саволларга жавоб беринглар.

**Назорат топшириқлар**

1.1.1. Овчилар кўк йўлни қўлга тушуришда қандай ҳийла ишлатишади?

1.1.2. Оқшулқор уларга қандай ёрдам берди?

1.2.1. Қандай йўллар бор экан?

А. Катта-катта йўллар бор.

Б. Бурулиш йўллар бор.

С. Кичик йўллар бор.

## **2- асосий масала бўйича ўқитувчининг мақсади:**

Баҳор ҳақида ўқувчиларда тушунча ҳосил қилиш. Зумрад баҳор матнини ифодали ўқиб бериб, тушунтириб бериш.

## **2-асосий масала бўйича идентив ўқув мақсади**

2.1. Баҳор ҳақидаги тушунчаларни кенгайтирадилар.

2.2. Зумрад баҳор матнини ўқиб, мустақил гапириб берадилар.

### **2- асосий масаланинг баёни.**

**Ўқитувчи:** Баҳор қандай фасл ҳисобланади? Баҳор энг гўзал ва фасилларнинг келинчаги ҳисобланади. Баҳорда қандай ўзгаришлар содир бўлади. Гуллар очилади, дарахтлар гуллайди, баҳор элчиси ҳисобланган бойчечак очилади. Баҳор ҳақида, баҳор келгандан кейин табиатдаги ўзгаришлар ҳақида сўраб ўтади, ва 4-синф ўқиш китобидан Юсуф. Х. Хожиб қаламига мансуб «Баҳор таърифи» матнини ифодали ўқиб, тушунтириб беради. Ўқувчилар тушунмаган жойларга савол беради, ўқитувчи жавоб беради.

### **Назорат топшириқлари.**

2.1.1. Баҳор таърифида кимнинг қаламига мансуб?

2.1.2. Матнда баҳор ҳақида нимлар дейилган?

2.2.1. Баҳорда дастлаб қандай гуллар очилади?

А. Бойчечак, бинафша, лола.

В. Арча, бодом, чинор,

С. Майсалар, лола.

## **3-асосий масала бўйича ўқитувчиларнинг мақсади**

Савол ва топшириқлар орқали ўқувчилар билимини мустаҳкамлаш ва ўқувчилар нутқини ўстириш.

## **3-асосий масала бўйича идентив ўқув мақсади:**

3.1. Савол ва топшириқларга жавоб берадилар.

3.2. Мустақил матнни тузиб, нутқини ўстирадилар.

### **3.- асосий масаланинг баёни**

Ўқитувчи матн охирида савол ва топшириқларни бир ўқувчига ўқитади ва ўқувчилардан сўрайди. Ўқувчилар ўз тушунчаларни айтади.

Ўқитувчи ўқувчиларга ўзлари мустақил «Баҳор» мавзусида матн тузишни топшириқ қилиб беради. Ўқувчилар ўзлари мустақил ёзади, ва ўқиб беради. Ўқитувчи уларни баҳолайди. Бундан ўқувчиларнинг нутқи ўсади.

**Назорат топшириқлари:**

3.1.1. Ўлкамизга баҳор кириб келганини қаердан биламиз?

3.2.1. Баҳорда далага чиққанмисиз? дехқонлар далада қандай ишлар бажрадилар?

**4-асосий масала бўйича ўқитувчининг мақсади.**

**4-асосий масала баёни:**

Ўқитувчи янги мавзунини хулоса қилиб, уйга вазифа беради, уни қандай бажарилишини хақида тушунча беради.

**Уйга вазифа**

Баҳр хақида матн тузиш. Ўзлари матнга сарлаҳ топишади.

**2-синф ўқиш дарсидан (ЗПТ) асосида ёзилган  
1-соатлик дарс режа ишланмаси**

**Мавзу: Чумоли билан чигиртка ҳикояси**

**Ажратилган вақт-1 соат**

**Машғулот тури-янги мавзунини баён қилиш**

**I. Ташкилий қисм.**

- а) саломлашиш
- б) давоматни аниқлаш
- в) ўқувчиларнинг дарсга тайёргарлиги

**II. Асосий қисм**

1. Ҳикояни ўқиб мазмунини тушунтириб бериш
2. «Чумоли билан чигиртка» ҳикоясининг таҳлили
3. Уйга вазифа

**Таянч тушунча ва иборалар:** ўтлоқ, буғдой бошоғи, раҳмдил, қишлашибди.

**1-асосий масала бўйича ўқитувчининг мақсади:** ҳикояни ўқиб, мазмунини хақида тушунча ҳосил қилиш, ҳикоя қаҳрамонларининг характер-хусусиятларини очиқ бериш. Ўқувчиларни меҳнатсеварлик, очиққўнгиллик руҳида тарбиялаш.

**1-асосий масала бўйича ўқувчилар бажарадиган вазифалар:**

- 1.1. Ҳикоя қаҳрамонлари номини санаб ўтадилар
- 1.2. Ҳикоя неча қисмдан иборат эканлигини аниқлайдилар.
- 1.3. Ҳар бир қисм мазмунини қисқача сўзлаб берадилар.

**1-асосий масала бўйича ўқитувчи баёни:**

Азиз болажонлар! Бугун биз сизлар билан ажойиб бир ҳикояни ўрганамиз. Унинг номи «Чумоли билан чигиртка» ҳозир мен сизларга ушбу ҳикоянинг мазмунини сўзлаб бераман. «Бир ўтлоқда чумоли билан чигиртка яшар экан. Улар жуда қалин дўст экан.

Ёзда чумоли қиш ғамини еб, инига дон-дун ташибди. Буни кўрган чигиртка:

-Кичкина бошингга нега бунча ташвиш, ўйнаб-кулиб юрсангчи,- дебди.

Ўзи эса чириллиб кўшиқ айтиб юраверибди. Чумоли дўстининг гапларидан хафа бўлибди. Лекин билдирмай ўзи билан овора бўлибди.

Бир куни чумоли буғдой бошоғини кўриб қолибди. Судраб инига олиб кирмоқчи бўлибди, лекин кучи етмабди. Шунда, бирдан чигиртка сакраб чумолининг олдидан чиқиб қолибди.

-Дўстим, вақтида келиб қолдинг. Шу бошоқни инимга олиб киришга ёрдамлаш,-дебди.

Шунда чигиртка чир-чир деб учиб кетибди. Чумоли эса унинг ишидан жуда хафа бўлибди. Бошоқни бир амаллаб инига судраб олиб борибди.

Салқин кунлар бошланибди. Чумоли инини иссиққина қилиб олибди.

Бир куни ёмғир ёғибди, совуқ шамол эсибди. Чигиртки куз келганини билиб ин қидирибди. Ҳамма ёқ хўл, совуқ экан. Шунда у дўсти чумолини эслабди ва унинг ини олдига бориб:

-Чумолижон, чумолижон мени инингга киргизгин, жуда совқотдим, очман,-дебди.

Чумоли жуда раҳмдил экан:

-Майли кирақол, лекин келгуси йил ёзда қиш ҳаракатини қил,-дебди.

-Хўп бўлади, албатта ёзда ин кураман, ейиш учун озиқ ғамлайман,-дебди.

Шундай қилиб икки дўст чумолининг инида қишлашибди».

### **1-асосий масала бўйича назорат топшириқлари:**

1.1.1. Ҳикоя қаҳрамонлари берилган қаторни топинг.

- а) чумоли, чигиртка
- б) чигартка, чумчуқ
- в) чумоли, тошбақа

1.2.1. Ҳикоя неча қисмдан иборат?

- а) 3 та
- б) 5 та
- в) 4 та

1.3.1. Нима учун чумоли донни инига олиб боролмади?

- а) катта бўлгани учун
- б) кучи етмагани учун
- в) а,в

1.3.2. Нима учун чигиртка чумолига ёрдам бермади?

- а) дангасалиги учун
- б) иши борлиги учун
- в) ёрдам беришни хохламагани учун

1.3.3. Ниама учун чигартка чумолидан ёрдам сўради?

- а) дўстлиги учун
- б) совқотганлиги учун
- в) ос қолгани учун
- г) а,в,с

### **2-асосий масала бўйича ўқитувчининг мақсади:**

«Чумоли билан чигиртка» ҳикоясининг мазмуни ва моҳиятини очиб бериш.

Ўқувчиларни меҳнатсеварлик руҳида тарбиялаш.

**2-асосий масала бўйича ўқувчиларнинг бажарадиган ишлари:**

2.1. Меҳнатни қадрловчи шеър ва мақоллардан айтадилар.

2.2. Асар қаҳрамонларининг ижобий фазилатларини санайдилар.

2.3. Меҳнатсеварлик фазилатига изох берадилар.

**2-асосий масала бўйича ўқитувчининг баёни:** Ўқитувчи ҳикоя ҳақида ўз фикрларини баён қилади.

**2-асосий масала бўйича назорат топшириқлари:**

2.1.1. Меҳнатни қадрловчи мақоллардан айтинг.

2.2.1. Ижобий фазилатларни аниқлаш.

а) меҳнатсеварлик, очикқўнгиллик

б) ялқовлик, ўзини ўйлаш

в) эътиборсизлик, лоқайдлик

2.3.1. Чигиртка қандай ҳашарот?

а) меҳнатсевар

б) ишёқмас

в) лоқайд

2.3.2. Чумолининг меҳнатсеварлик хислатлари қайси ҳатти-ҳаракатларида намоён бўлади?

**3-асосий масала бўйича ўқитувчининг мақсади:** «Чумоли ва чигиртка» ҳикоясини ҳар томонлама ўрганиб келиш ва кейинги дарсда мазмунини сўзлаб беришларини уйга вазифа қилиб топшириш.

### **3-синф ўқиш дарсидан (ЗПТ) асосида ёзилган 1-соатлик дарс режа ишланмаси**

**Мавзу: КИТОБ (масал)**

**Ажратилган вақт-1 соат**

**Дарс тури-янги мавзуни баён қилиш**

#### **I. Ташкилий қисм.**

а) саломлашиш

б) даволатни аниқлаш

в) ўқувчиларнинг дарсга тайёргарлиги

#### **II. Асосий масала.**

**1. Ўтилган мавзуни такрорлаш**

**2. Болаларга китоб масалини тушунтириб бериш.**

**Таянч тушунча ва иборалар:** ўтлоқ, буғдой бошоғи, раҳмдил, қишлашибди.

**1-асосий масала бўйича ўқитувчининг мақсади:** матнда ёритилган муаммони ўқувчилар билан муҳокама қилиш ва нонга меҳр-муҳаббат уйғотиш, ўқувчиларни билимдонликка чақириш.

**1-асосий масаланинг баёни.**

Азиз болажонлар, биз сиз билан ўтган дарсимизда нима ўтган эдик. “Нон азиз” ҳикоясини ўтганмиз.

Болалар “Нон азиз” ҳикоясини ўқиб келдиларингми, хўш у ҳикоя сизларда қандай тасурот қолдирди?

Ўқувчилар ўзлари ўқиб келган ҳикояни гапириб беришга тушдилар. Ўқитувчи уларни номма-ном чақирди.

Ким жавоб беради. Ўқувчилар ҳикояни айтиб савол ва топшириқларга жавоб берадилар.

Жуда ҳам яхши ўзлаштирибсизлар. Ҳикоя нима ҳақида экан. Ўқувчилар биргаликда хўр бўлиб, йўл ҳақида деб жавоб беришда. Яхши биз сиз билан дарсни ниятсизга етказиб, савол-жавоб билан мустаҳкамлаймиз.

Энди бу саволларга жавоб беринглар.

**1-асосий масала бўйича назорат топшириқлари:**

1.1.1. Дунёда энг азиз нарса нима

А. Мевалар.сабзавотлар.

В. Одамлар.

С. Нон.

1.2.1. Энг сеvimли истемол қиладиган маҳсулот.

А. Сут, олма.

В. Сув, мевалар

С. Нон.

**2-асосий масала бўйича ўқитувчининг мақсади:**

Ўқувчиларга масални тушунтириб бериш ва уларни кўникма ва малакаларини шакиллантириш.

**2-асосий масала бўйича ўқувчиларнинг бажарадиган ишлари:**

2.1. Китоб масалини тушунтирадидилар.

2.2. Масални бир-биридан фарқлайдилар

**1-асосий масаланинг баёни:** Азиз ўқувчилар, бугун биз сизлар билан «китоб» деб ном олган матн билан танишамиз. Ҳозир мен сизларга бир марта ўқиб бераман яхшилаб кулоқ солиб тингланглар.

«Ўтган замонларда подшоҳ вазиру-уламоларини ёнига чақирибди.

Подшоҳ уларга: «Дунёда энг зўр, керакли ва ҳамма нарсдан хабардор қилувчи нима?»-деб савол берибди. Кишилар у дейишибди, бу дейишибди.

Бирови дунёда энг зўр-қилич деса, иккинчиси энг керакли-нон, дебди.

Учинчиси эса ҳамма нарсдан хабар берувчи нарс-ойнаи жаҳон, дебди.

-Уч кун муҳлат бераман,-дебди подшоҳ ҳеч кимнинг жавоби ёкмаганлигидан дарғазаб бўлиб.

Кўшни подшоҳликда таърифи етти иқлимга кетган донишманд яшар экан. Ундан вазирнинг хабари бор экан. Вазир подшоҳнинг саволларига

шу донишманд жавоб бера олишига ақли етибди ва уни излаб топибди. Унга подшоҳнинг саволларини айтибди.

Донишманд ҳеч иккиланмай: - китоб. Чунки китоб билим беради. Дунёдаги энг қудратли нарса эса билимдир, - дебди.

Донишманднинг жавоби подшоҳга ҳам маъқул тушибди ва унга бошдан оёқ сарпо қилибди».

Ана, болажонлар ҳикоямиз нима ҳақида экан? Китоб шундайми? Қани менга айтинглари китобдан биз нималарни ўрганамиз? Софдилликни, ҳикоялардаги яхши фазилятларни, шеърларидаги ҳар хил мавзудаги яхши ҳислатларни ўрганамиз экан.

Болаларни мустақил фикрлаш учун уларга «Сизга шундай савол берганда нима деб жавоб берган бўлар эдингиз?» деган маънодаги сўроқлар бериб фикрларини тинглаб борамиз. «Китоб-билим манбаи», «Китоб-ақл чироғи» каби халқ мақолларини ҳам шу қаторда айтиб изоҳлаб ўтамиз.

### **3-асосий масала бўйича топширик:**

1. Подшонинг истаги нима эди?
  2. Подшонинг истаги қандай амалга ошди?
  3. Матндан донишманднинг жавобини ўқинг ва изоҳлаб беринг
- Уйга вазифа «китоб» матнини ўқиб келиш

## **4-синф ўқиш дарсидан (ЗПТ) асосида ёзилган 1-соатлик дарс режа ишланмаси**

**Мавзу : Ёрдам берди ҳикояси устида ишлаш.**

### **Асосий масалалар:**

1. Уйга вазифа нон ҳикоясини баҳолаш.
2. Ёрдам берди ҳикоясини тушунтириб бериш.

**Таянч тушунча ва иборалар.** Термометр, тез ёрдам, фазилят, яхшилик, ёмонлик.

### **Идентив ўқув мақсадлари:**

- 1.1. Ҳикояни таърифлайдилар.
- 1.2. Ҳикояни таҳлил қиладилар.

**Таянч тушунча ва иборалар:** ўтлоқ, бўғдой бошоғи, раҳмдил, қишлашибди.

**1-асосий масала бўйича ўқитувчининг мақсади:** матнда ёритилган муаммони ўқувчилар билан муҳокама қилиш ва нонга меҳр-муҳаббат уйғотиш, ўқувчиларни билимдонликка чақириш.

### **1-асосий масаланинг баёни.**

Азиз болажонлар, биз сиз билан ўтган дарсимизда нима ўтган эдик. “Нон азиз” ҳикоясини ўтганмиз.

Болалар “Нон азиз” ҳикоясини ўқиб келдиларингми, хўш у ҳикоя сизларда қандай тасурот қолдирди?

Ўқувчилар ўзлари ўқиб келган ҳикояни гапириб беришга тушдилар. Ўқитувчи уларни номма-ном чақирди.

Ким жавоб беради. Ўқувчилар ҳикояни айтиб савол ва топшириқларга жавоб берадилар.

Жуда ҳам яхши ўзлаштирибсизлар. Ҳикоя нима ҳақида экан. Ўқувчилар биргаликда хўр бўлиб, йўл ҳақида деб жавоб беришда. Яхши биз сиз билан дарсни нихоясига етказиб, савол-жавоб билан мустаҳкамлаймиз.

Энди бу саволларга жавоб беринглар.

### **1-асосий масала бўйича назорат топшириқлари:**

1.1.1. Дунёда энг азиз нарса нима

А. Мевалар.сабзавотлар.

В. Одамлар.

С. Нон.

1.2.1. Нон қилиш учун нималар керак бўлади?

А. ун, сув, сут, туз, буғдой уни.

В. Сув, мевалар

С. Нон.

### **2-асосий масала бўйича ўқитувчининг мақсади:**

Ўқувчиларга масални тушунтириб бериш ва уларни кўникма ва малакаларини шакиллантириш.

### **2-асосий масала бўйича ўқитувчининг баёни**

Ҳикояни ўқиб мазмуни ҳақида тушунча бериш, ҳикоя қаҳрамонларининг характер-хусусиятларини очиб бериш, ўқувчиларни инсонпарварлик ва меҳнатсеварлик руҳида тарбиялаш.

Ҳикоя тўлиқ келтирилади.

Фарида бугун анча барвақт турди. Қараса, ҳаммадан олдин уйғониб нонушта тайёрлайдиган онаси негадир ҳали ҳам ётибди. Дарров унинг ётоқхонасига мўралади. – Вой турдингми қизим?- Негадир онанинг овози галатироқ эшитилди.

- Вақтли кетаман, навбатчиман, - деди Фарида.

Инобат опа зўрға ўрнидан турди. У газаг қўйган чой бирпасда қайнади. Қизининг олдига юмшоққина нон ва қаймоқ қўйганда боши айланиб кетди. Фарида опасининг ранги оқариб кетганини сезмади.

Навбатчилик жуда яхши ўтди. Ҳатто ўқитувчилардан бири бугунги навбатчига “5” баҳо қўйди. Дарс тугагач, янги томоша кўришга боришмоқчи бўлишди.

II-қисмда Фарида уйига шоша-пиша келди. У папкасини қўйиб қозонга қаради. Чунки ҳар куни мактабдан қайтишида онаси иссиқ овқат тайёрлаб турарди. Бу гал қозон бўм-бўш эди. Ичкаридан Инобат опанинг хаста овози эшитилди.

- Фарида келдингми? қизим? Укангга қарагин, мен-деди-ю, бўғилиб-бўғилиб йўтала бошлади.

- Театрга кечга қоламан, йўқ,-деди у питирлаб.

- Мен бетобман, бу гал бормасанг, кейинги гал борарсан.
- Бормасам бўлмайди. Ўртоқларим кутади,- деди у, “кетдим” деганича чопқиллаб чиқиб кетди.

III-қисмда Фарида чиқиб кетиши билан уйга унинг синфдоши Шоҳида келади. У дарров йиғлаётган чақалоққа қарайди. Инобат опани иситмасини кўриб тез ёрдам чақиради ва опага хўрда қилиб ичиради. Шу пайт “тез ёрдам” келади.

IV қисмда эса шифокор беморга укол қилиб дори ичиради. Нурулло ака ишдан келиб Шоҳида уйига қайтди. Шу вақт Фарида театрдан қайтди. Шоҳида ўртоғига ҳеч нарса демай уйига қайтиб онасига ишдан қайтганча овқат қилмоқчи бўлди.

Ҳикоя мазмунини ўқувчилар қайта ҳикоя қиладилар. Ҳар бир бўлимга сарлавҳа топадилар.

1. Ҳикоя қаҳрамонлари номларини айтиб ўтадилар.
2. Ҳикоя неча қисмдан иборат эканлигини аниқлайдилар.
3. Ҳар бир қисм мазмунини сўзлаб берадилар.
4. Термометр, симоб, тез ёрдам сўзини изоҳлайдилар.
5. Ота-онани ҳурматловчи шеър ва мақоллардан айтадилар.
6. Инсонларга хос бўлган фазилатларни айтиб берадилар.

### **Назорат топшириқлари**

1. Ҳикоя қаҳрамонлари берилган қаторни топинг.
  - А) Феруза, Санобар
  - Б) Камола, Мавлуда, Фарида
  - В) Фарида, Шоҳида, Инобат опа
2. Ҳикоя неча қисмдан иборат?
  - А) 3та
  - Б) 5та
  - В) 4та
3. Фарида нима учун мактабга вақтли кетди?
  - А) мактаб узоқлиги учун
  - Б) навбатчилиги учун
  - В) ўртоқлари кутиб қолгани учун

Азиз ўқувчилар мана ҳикоянинг мазмуни билан ҳам танишиб чиқдик. Биз бу ҳикоя билан танишиш жараёнида яхши ким-у, ёмон ким ва нима учун деган саволларга жавоб топдик деб ўйлаймиз.

Биз кундалик ҳаётимизда юзлаб одамлар билан учрашамиз, мулоқатда бўламиз. Ҳикояда Шоҳидадек кишилардан миннатдор бўламиз, Фаридадек қизлардан ранжиймиз.

Оқ кўнгил, кўнгилчан, ширин суҳанлик, ростгўйлик, меҳнатсеварлик, латофатли.

Шоҳиданинг меҳнатсеварлиги қайси хатти-ҳаракатларида намоён бўлади? Каби асарни ўрганиш яхши натижа берди.

### 2.3. Тажриба-синов ишлари ва уларнинг натижалари.

Бошланғич синфларда ўқувчиларига халқ оғзаки ижоди асосида тарбилаш, узоқ асрлар давомида шаклланган аждод-авлодларнинг ахлоқий, маърифий шаклланиши ва камолотида муҳим ўрин эгаллаб келган. Халқ оғзаки ижодининг инсон тақдиридаги аҳамияти шундаки у доимо ўзининг ҳаётийлиги, таъсирчанлиги, меҳр-мурувватлиги билан Ватанни мустаҳкамлашга, халқни бирлаштиришга хизмат қилади. Ўқувчиларни меҳр-мухаббат руҳида тарбиялаш доимо ҳаёт ва инсон муаммоларини моддий ва маънавий жиҳатдан ҳал этишда ўз таъсирчанлигини намоён этилади. Тарбиянинг долзарб масалаларини ечишда асос бўлиб хизмат қилади. Ўзбек халқининг меҳнатсеварлиги тарих тўфанларию йиғинларига бардош бериб, тажриба-синовлардан муваффақият билан ўтиб, тобланиб, ҳар бир даврда ўз фаолиятини такомиллаштириб, авлодлар тарбиясида ҳал қилувчи ролни ўйнаб келди.

Биз тажриба-синов ишларини Сирдарё вилояти Гулистон шаҳридаги № 2- мактабнинг бошланғич синфларида олиб бордик. Бунда мактаб ходимлари: ўқитувчилар, директор ўринбосари, ҳамда директор яқиндан ёрдам берди.

Бунда биз ўқувчиларни дарс жараёнида олган билимларини янада чуқурлаштириш ва ривожлантиришга асосий эътиборни қаратдик.

Мактабда 1-4 синф ўқувчиларини жалб этдик. Улардаги тажриба синов ишларимизни, ўзбек халқ оғзаки ижодининг намуналарига асосланиб ўтгаздик.

Тажриба-синов гуруҳида 65 ўқувчи иштирок этди. Назорат гуруҳида эса 45 нафар ўқувчи иштирок этишдилар. Буни қўйидаги жадвалда кўришимиз мумкин.

Мактаб	Синфлар	Синов тажриба гуруҳи	Синфлар	Назорат гуруҳи	Изоҳ
16- мактаб	1	20	4	10	
	2	20	3	12	
	3	13	2	12	
	4	12	1	11	

Синов-тажриба гуруҳида биз қуйидаги ишларни амалга оширдик.

1. Замонавий педагогик технологиялар элементларидан она тили дарсларида фойдаланди.
2. Ҳамкорликда ўқитиш усули.
3. Танқидий технология.
4. Ақлий ҳужум методи.
5. Кластер усули

Уларнинг барчаси ўқувчиларнинг халқ оғзаки ижодига бўлган қизиқишини оширади, мустақиллигини таъмилайди, мустақил фикрлашга ўргатади.

Биз тадқиқот давомида ўқувчиларнинг имкониятларидан келиб чиқиб, қуйидаги топшириқлар бердик.

Ўқувчиларга «Маймун билан Нажжор», «Туя билан Бўталок», «Тошбақа билан Чаён» масалларини ўқиб, саволларга жавоб бериш топширилди. Ўқувчилар бир-бири билан музокара олиб бориб, масалларнинг сюжети ҳақида баҳс-мунозара ўтказишди, сўнгра Бу саволлар тахминан қуйидагилардан иборат:

#### **«Маймун билан Нажжор»**

1. Гулханий Кашмир вилоятининг манзарасини қандай тасвирлайди?
2. Нажжорнинг меҳнати қандай тасвирланади?
3. Нима учун Маймун фалокатга йўлиқди?
4. Нима учун Гулханий Кўрқушнинг характерини Маймун образида акс эттиради?
5. Ёзувчининг Кўрқуш образини яратишдан асосий мақсади нима?

#### **«Тошбақа билан Чаён»**

**1. Тошбақа билан Чаённинг суҳбатлари орқали уларга қандай одамлар деб баҳо бериш мумкин?**

2. Нима учун Чаён фалокатга учради?
3. Гулханнийнинг «Тошбақа билан Чаён» масалини яратишдан мақсади нима?

«Туя билан Бўталок» масалига ҳам шу хилдаги саволлар тавсия қилинади. Ўқувчилар бу саволларга жавоб ҳозирлайдилар. Ўқитувчи шу саволлар юзасидан суҳбат ўтказди ва дарс охирида суҳбатни яқунлайди, масаллардаги образларнинг характерини умумлаштиради, Гулханийнинг дунёқарашини очиш билан дарсни хулосалайди.

Ўрта мактаб адабиёт программасида «Зарбулмасал» нинг халқ оғзаки ижоди асосида яратилганлиги ҳақида маълумот бериш талаб қилинади. Ўқувчилар халқ оғзаки ижоди (эртақ, мақол, топишмоқ, дoston ва бошқалар) билан танишадилар. Бу маълумот «Зарбулмасал» нинг халқ оғзаки ижоди билан боғланишини ўтишда ёрдам беради.

Юқорида масалдаги образларнинг характерини ўқувчиларга тушунтириш йўлларини кўрсатган здик. Ёзувчийнинг 400 та мақолни тўплашдан асосий мақсади ҳам шу.

Ўқитувчи Гулханийнинг халқ мақолларидан, ибораларидан қанчалик фойдаланганини намоёниш қилиш учун “Адабиёт хрестоматияси”дан 109—113- бетларни топширади. Ўқувчилар ўқиб, шу бетлардаги образлар, воқеаларга боғлаб ишлатилган мақол ҳамда ибораларни карточкалар ёки дафтарга кўчирадilar (бу парчада ўн та мақол, бешта ибора бор). Ўқувчилар бу вазифани бажарганларидан сўнг, ўқитувчи текширади ва мақол, ибораларнинг маъносини, нима учун ишлатилганини сўрайди. Бундай машғулот Гулханийнинг халқ оғзаки ижодидан фойдаланганини кўргазмални равишда исботлаш учун хизмат қилади ва ўқувчиларда ишонч ҳосил бўлади. Сўнгра ўқитувчи яқунловчи лекциясида Гулханийнинг “Зарбулмасал” асарини яратишда фақат мақоллар, иборалардангина эмас, халқ масалларидан («Тошбақа билан Чаён», «Маймун билан Нажжор», «Созанда ва Навозанда», «Туя билан Тулки») ҳам фойдаланганини таъкидлайди. Бу хилдаги методик приёмлар асарнинг бадиий хусусиятини, тилини очишга ҳам ёрдам беради. Шундай қилиб, ўқитувчи асарнинг ғоявий мазунини, образлар характерини турли методик усуллар билан ўқувчиларга тушунтиради ва масални яратишда ёзувчи Гулханийнинг бадиий маҳоратини ўқувчилар оигига сингдиради.

### НИНАЧИ ВА ЧУМОЛИ

Ниначи шўх куйлаб чалди соз,  
Сайлларда ўтди гўзал ёз.  
Томошадан бўшай демади,  
Киш ғамини сира емади.  
Шундай... босиб келди қора қиш,  
Улгурмади, қолди кўп юмуш.  
Далалар бўш эди, йўллар жим,  
Изғиринда йўқламас ҳеч ким.  
Ҳар барг соясида сайл йўқ,  
Уй излашга дармон, майл йўқ.  
Кунлар совуқ, бошланди очлик,  
Ниначини босди муҳтожлик.  
Оч қоринга қўшиқ, на ҳожат  
Ниначи ҳам сезди ҳалокат.  
Ваҳм тушди ширин жонига,  
Чумолининг келди ёнига:  
— ЁМОН кунга қўйма, ўртоқжон,  
Токи йиғиб олайин дармон.

Ёз келгунча, мени оч қўйма,  
Аёзларда яланғоч қўйма!  
— Ҳайрон бўлдим. Нега руҳинг  
бўш?  
Ишлабмидинг ёз чоғида! Хўш,  
— Деб сўрабди ундан Чумоли.  
— Вақт бормиди, — дер, — иш  
килгани!  
Майсазорда мен чалиб сурнай,  
Таралла-ю ялла ҳар нафас,  
Хаёлга ҳеч қиш келган эмас!  
— Ҳали шундай дегин?  
— Ха, шундай.  
Қўшиқ айтиб ўтдим ёз бўйи,  
— қўшиқ айтиб? Ажаб  
бўлибди,  
— Энди ўйин тушмоқ қолибди.

Ўқувчи ёшларнинг орзуси бирор ғояга асослансагина, ҳаётий ва умрбоқий бўлиши мумкин. Шунинг учун бош ғоямиз-Ўзбекистон – келажаги буюк давлат бўлиш орзуси, ҳар бир шахс манфаатига, маънавий-ахлоқий қобилияти фаолият мезонига айланиб бормоғи лозим. ақлий ва ахлоқий қобилият муайян ижтимоий-педагогик шарт-шароитда шаклланиб, ўқувчининг маънавий салоҳияти, умуминсоний тарбияси, тафаккур даражаси, табиат ва жамият қонунларини қай даражада таҳлил эта олиш қобилияти билан белгиланади. Бу кўрсаткичларнинг нақадар ёрқин ёки суст намоён бўлиши мумкинлиги изланишлар жараёнида тадқиқ этилди.

Маънавий ва ақлий тарбия замирида ахлоқий поклик, меҳнат ва меҳнатқаш инсонга ҳалол муносабат, маданий савия ва ифтихор туради. Ақлий маданий жиҳатдан етук шахснинг тузилмасини: Тежамкорлик, ишбилармонлик, меҳнатсеварлик, ҳалоллик, самимийлик, миллий ғурур, содиқлик, камтарлик, меҳрибонлик, касбий масъуллик, билимдонлик, ижодкорлик, ташаббускорлик ва ташкилотчилик ташкил этади. Тузилма пировардида эса шахснинг интилиши, фаоллиги ва кафолатланган натижага эришуви туради. Иқтисодий тарбияни беришнинг самарали мезонлари ақлий баркамоллик, ақлий жиҳатдан ўз-ўзини тарбиялаш, замонавий педагогик технологиялар асосида тежамкорлик ва ижодкорликни тарбиялаш эканлиги тадқиқ этилди.

Ўз-ўзига ишонган ва ўз мустақил фикрига эга бўлиб, уни эркин намоён этадиган инсон меҳнатга ҳалол муносабатда бўлади. Ўз имокниятларига ишонмайдиган, қоникмайдиган ёки норози бўлган инсон меҳнат фаолиятида турли хил ялқовлик ва кўзбўямачиликларга йўл қўяди. Адолат, диёнат ва ҳалолликдан чекиниш пайдо бўлади. Касбга, одамлар ва атроф-муҳитга меҳр, ижодкорлик, касб маҳоратини эгаллаш сари интилиш сўна бошлайди. ақлий қобилият уйғунлигидаги мувозанат бузилади. Натижада маънавий-ахлоқий тарбияни беришга хос мотивлар инқирози бекорчилик, ишсизлик ва ҳатто безорилик каби турли хил жиноятлар келиб чиқади. Бундай инқироз носоғлом ақлий фаолият жараёнида ҳам пайдо бўладики, унинг ижобий ечими раҳбар шахс маънавияти ва маҳорати билан боғлиқ равишда ҳал этилади. Инсон табиий-ижтимоий мавжудот сифатида ўзининг моддий эҳтиёжлари қаторида маънавий эҳтиёжларини ҳам қондира боради. Аммо ҳар қандай эҳтиёж негизида ақлий-маданий эҳтиёж турмоғи лозим.


Кўрсатмалар шуни кўрсатадики олиб борилган тадқиқот-синов ишларимиз яхши натижа берди. Синов-тажриба ишларида 130 нафар ўқувчилар иштирок этган бўлса, улар 85,6% ўзлаштиришга эришдилар. Назорат гуруҳида эса 53,3 % ўзлаштиришга эришдилар.

Ўтказилган тажриба ишларининг натижалари қуйидаги 2 жадвалда келтирилди.

Жадвал – 2

Т.б №	Синфлар	Ўқув чилар сони	Назорат гуруҳи			Ўқув чилар сони	Тажриба-синов гуруҳи		
			Паст %	Ўрта ча %	Юқори %		Паст %	Ўрта ча %	Юқори %
1	1 <sup>а</sup> -1 <sup>б</sup>	25	35	45	20	25	20	50	30
2	2 <sup>а</sup> -2 <sup>б</sup>	25	31	47	22	25	18	55	27
3	3 <sup>а</sup> -3 <sup>б</sup>	28	28	42	30	28	26	56	38
4	4 <sup>а</sup> -4 <sup>б</sup>	27	25	48	27	27	12	49	39

Жадвалдан кўришиб турибдики, биз олиб борган тажриба-синов яхши самарали ўз натижаларини берди.



## Хулоса ва тавсиялар

Ўсиб келаётган ёш авлодни ҳар томонлама юксак маънавиятли, ахлоқан етук, баркамол инсон этиб тарбиялашда бой миллий кадриятларимиз, халқимизнинг улкан меъросидан фойдаланишнинг бунуги куннинг етакчи вазифаларидан биридир.

Бошланғич синф ўқувчиларида ўзбек халқ ижоди воситалари орқали шакллантириш муаммосига оид адабиётлар, ўқув дастурлари, дарсликлари ва қўлланмалари таҳлили, илғор бошланғич синф ўқитувчилари ҳамда ўз педагогик тажрибаларимиз асосида қуйидаги хулосаларга келдик:

1. Ўзбек халқи бола тарбияси бобида катта тажрибага эга. Ота-боболаримиз узоқ асрлар давомида тарбиянинг бир қанча восита, уларни қўлга киритганлар ва бунга мерос қилиб қолдирганлар.
2. Тарихан ўзбек халқ оғзаки ижодининг бир қатор жанрлари тарбия воситалари бўлиб, хизмат қилиб келган. Булар: эртақ, дoston, ривоят, афсона, масала, мақол, топишмоқ, халқ куй ва қўшиқларидир. Улар маънавий-ахлоқий фазилатларни ўқувчи ёшларда таркиб топтиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Маталлар, ҳикматлар, қайроқи сўзлар, тез айтишлар, афористик иборалар ҳам шулар жумласидандир.
3. Ўзбек халқ оғзаки ижоди намуналари ўқувчиларда ватанга, халқига, меҳнатга, табиатга, катталарга, ота-онага, бошқаларга ва ўз-ўзига нисбатан ахлоқий муносабатда бўлишини тарбиялаш имкониятига эга.
4. Бошланғич синф таълим-тарбия мазмуни ўзбек халқ оғзаки ижоди намуналарига бойдир. Улардан оқилона ва унумли фойдаланиш ўқитувчи-тарбиячининг маҳоратига боғлиқ. У кичик ёшдаги ўқувчиларнинг ёш ва индивидуал-психологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ўз педагогик фаолиятини, ўқув-тарбия жараёнини ташкил этмоғи лозим.
5. Ўқув-тарбия жараёнини ташкил этишнинг асосий шакли-дарсдир. Ўқиш, она тили, одобнома, мусиқа дарслари ўқув материалларида ўзбек халқ оғзаки ижоди намуналаридан ниҳоятда кўп келтирилган бўлиб, улар кичик ёшдаги ўқувчиларда ахлоқий фазилатларни тарбиялаш имконини беради.
6. Ўқитувчи халқ оғзаки ижоди воситалари орқали ахлоқий фазилатларни шакллантириш жараёнида таълим ва тарбиянинг бирлиги, инсонпарварлик, кетма-кетлик ва изчиллик, талаб ва ҳурмат бирлиги, ўқувчилар ёшини ҳисобга олиш, таълим ва тарбияни ҳаёт билан боғлаш, онглилик ва фаоллик, кўрсатмалилик каби қoidларга амал қилиш лозим бўлади.
7. Ўзбек халқ оғзаки ижоди воситалари асосида ўқувчиларни ахлоқий жиҳатдан шакллантиришда тарбиянинг бир гуруҳ усулларидан фойдаланиш мумкин. Булар: ўқувчилар онгини

шакллантирувчи усуллари (сухбат, ҳикоя, тушунтириш); ўқувчилар онгини шакллантирувчи омиллар (намуна, машқ, одатлантириш, ўргатиш, ўйин); рағатлантирувчи ва жазоловчи усуллар (мақтов, қўллаб-қувватлаш, илтимос қилиш, тилак истак билдириш, маслаҳат, ундаш, маъқуллаш, раҳмат айтиш, дуо қилиш, олқишлаш, олқишлаш, таъни қилиш, танбех, уялтириш, мусобақа, қўрқитиш ва бошқалар); ўз-ўзини тарбиялаш (шахсий мажбурият олиш, ўз-ўзини назорат қилиш, ўз-ўзини баҳолаш, ўз-ўзини танқид қилиш).

Биз ушбу БМИ да муаммони барча жиҳатларини ёрита олдик дея олмаймиз. Чунки бунга унинг хажмиетарли даражада имокон бермайди. Кейинги ижодий ишларимизда бу муаммо устида янада кенгроқ ва чуқурроқ иш олиб бориш ниятидамиз.

## Ф О Й Д А Л А Н И Л Г А Н   А Д А Б И Ё Т Л А Р

1. Каримов И.А. “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида” Т: 2011
2. Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори, Т., Шарқ. 1998, 9-б.
3. Каримов И.А. “Юксак маънавият енгилмас куч” Т: 2008
4. Азизов Б. Ижодий таълим жараёнига тизимли ёндошув. Халқ таълими, 4-сон, 2001, 102-104 б.
5. Б.Х.Ходжаев. “Ўқувчиларнинг тарихий тафаккури шакллантиришда мустақил ишлардан фойдаланиш технологияси” Халқ таълими журнали Т. 2011.й. 3-сон.
6. Бошланғич таълимни ижодий ташкил этиш: муаммолар, ечимлар, ва истиқболлар. Тўплам. Бухоро: 2007
7. Б.Рахимов Ўқувчиларини илмий фаолиятини ташкил этиш. ЎУМ. Г.: 2011
8. Жумабоев М. Кичикинтойларнинг катта шоири. Бошланғич таълим. 7-сон. 1996, 18-19 б.
9. Йўлдошев Ш. 2 синфда расм асосида иншо ёзишга ўргатиш. ТДПУ, 2003, 92-94 б.
10. Каримова В., Нишонова З. Мустақил ижадий фикрлаш ва шахснинг хиссий иродавий ва интеллектуал хислатлари орасидаги боғланиш. Халқ таълими, 3-2001, 64-69 б.
11. К. Қосимова. Бошланғич синфларда она тили ўқитиш методикаси. Т., Ўқитувчи, 1995. 202 б.
12. М. Раймов Ўқувчиларнинг мустақил билиш фаолиятини ташкил этиш. Халқ таълими. 6-2000, 89-б.
13. Р.Мовлонова ва бошқалар Педагогика тарихи ва назарияси . Т: 2011
14. Ахлоқ-одобга оид Ҳадис намуналари.-Т.:Фан.1990.-172 б.
15. Абдуллаев М. Тарбия, маънавият, маърифат. Ж. Мулоқот. 1999. №3. 11-13 б.
16. Авлоний А. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. -Т.: Ўқитувчи. 1992.-62 б.
17. Ахлоқ-одобга оид Ҳадис намуналари.- Т.: Фан. 1990.-172 б.
18. Долимов С. ва бошқ. Адабиёт ўқитиш методикаси. Т.: Ўқитувчи, 19. 1967. 230 б.
20. Жумабоев М. Ўзбек ва чет эл болалар адабиёти. Т.: Ўзбекистон, 21. 2002. 157 б.
22. Жумабоев М. Ўзбек болалар адабиёти. Т.: Ўзбекистон, 2002.320
23. Жумабоев М. Болалар адабиёти ва фольклор. Т.: 2006. 225 б.
24. Крилов И.А.. Бўри билан кўзичоқ. Т.: 1989. 50 б.
25. Н.Нуралиева Халқ педагогикаси асослари. Ўқув-услубий мажмуа Г.: 2011 32-40 бетлар.
26. Тўхлиев Б. Адабиёт. Т.: Ўқитувчи, 2002. 236 б.

27. Юсупов З.Ю. Мустақиллик шароитида таълим-тарбия ишларининг долзарб муаммолари. Ж.Таълим ва тарбия. - 1997. № 1-2. 48-59 б.
28. Ўзбек педагогикаси тарихи.: Олий ўқув юртлар учун қўлланма. А
29. Қуронов М. Мактаб маънавияти ва миллий тарбия.- Т.:Фан. 1995.- 117
30. Кайковус. Қобуснома. - Т.: Мерос. 1992. - 176 б.
31. Маҳкамова М.Ю. Бўлажак тарбиячиларнинг педагогик мулоқот маданиятини шакллантириш.: Пед. фан. ном. ... дисс. ... автореферати.-Т.: 2002.-21 б.
32. Навоий А. Ҳайратул-аброр Таҳрир ҳайъати: А.Қаюмов ва бошқ. Сўзбоши муаллифи: А.Ҳайитметов. Масъул муҳаррир: В.Раҳмонов. - Т.:Адабиёт ва санъат. 1989. - 352 б.
33. Раҳимов Б.Х. Кадрлар тайёрлаш тизимида касбий-маданий муносабатлар. Ж. Халқ таълими. 2000. №3. 70 -71 б
34. Раҳимов Б.Х. Замонавий ўқитувчи-мулоқот маданияти объекти ва субъекти. Ж. Халқ таълими. 2004. №3. 70-73 б.
35. Тўраева О., Туропова М. Одобнома.(5-синф.) - Т.: Ўқитувчи. 1996. - 128 б.
36. Убайдуллаев А. Асосий мақсад- таълимни инсонийлаштириш (Олий таълимдаги ислохотлар ҳақида).Ж.Мулоқот. 1998. № 3. 8-10 б.

### **ИНТЕРНЕТДАН ОЛИНГАН АДАБИЁТЛАР:**

1. [http: bolalar sarkor.uz.](http://bolalar.sarkor.uz)
2. [http: www. referat.uz.](http://www.referat.uz)
3. [http: www. online. ru.](http://www.online.ru)
4. Чупрасова В.И. Современнўе технологии в образовании Владивосток, 2000.
5. [http: www. rambler.ru.](http://www.rambler.ru)
6. [www. method altai rcde. ru.](http://www.method.altai.rcde.ru) Инновации в преподаваним.

**ГДУ Бошланғич таълим йўналиши битирувчиси Тоғаева  
Нозиманинг “Бошланғич синф ўқувчиларида халқ оғзаки ижодининг  
аҳамияти” мавзусидаги битирув малакавий ишига  
Т а қ р и з**

Баркамол авлодни вояга етказишда, уларни ҳар томонлама комил инсон этиб шакллантиришда бобокалонларимиз мероси бўлган бой миллий қадриятларимиздан, маданий ёдгорликлардан, тарбиянинг самарали усул ва воситаларидан оқилона фойдаланиш таълим-тарбия соҳасининг устивор йўналошларидан биридир. Баркамол авлодни вояга етказишда, уларни ҳар томонлама комил инсон этиб шакллантиришда бобокалонларимиз мероси бўлган бой миллий қадриятларимиздан, маданий ёдгорликлардан, тарбиянинг самарали усул ва воситаларидан оқилона фойдаланиш таълим-тарбия соҳасининг устивор йўналошларидан биридир. Шундан келиб чиқиб, ижтимоий фаол, давлат тараққиёти учун зарур, ўзининг мустақил фикрга эга бўлган шахснинг фаолияти таълим тарбия самарадорлигининг бош омили сифатида эканлиги илмий муоммо сифатида яхлит ўрганилмаганлигини ҳисобга олган ҳолда тадқиқот

“Бошланғич синф ўқувчиларида халқ оғзаки ижодининг аҳамияти ” деб олинган ҳамда мазкур тадқиқот иш долзарб муаммони тадқиқ этишга киришилган.

Битирув малакавий ишни муваффақиятли яқунланиши учун аниқ мақсад қўйилиши, вазифаларнинг тўғри белгиланиши, илмий фаразнинг мантикий тўғрилиги ўзига хос методологияга эга.

Талаба бу вазифаларни босқичма-босқич амалга ошириб борди. Катта ҳажмдаги педагогик, психологик ва ижтимоий манбаларни ўрганиб чиқди. Иш жараёнида умумий таълим мактабларининг бошланғич синфларида одобнома дарсларида интерфаол методларни қўллаш йўллари кузатилди. Икки босқичдан иборат эксперимент ишлари олиб борилиб, натижаларининг таҳлил қилиниши илмий фаразнинг тўғри қўйилганини тасдиқлаш билан бирга, ижобий яқун топганини кўрсатди.

Битирув малакавий иш юзасидан чиқарилган хулосалар ишнинг тўла яқунланганлигидан далолат беради. Берилган амалий тавсияларни фойдали деб ҳисоблаш мумкин.

Битирув малакавий ишда айрим техник камчиликлар мавжуд бўлиб уларни тuzатиш мумкин ва улар ишнинг асосий мазмунига таъсир этмайди.

Талаба Тоғаева Нозима фақат битирув малакавий иш ёзиш билан чекланиб қолмасдан ўзининг илмий-назарий савиясини ҳам тинмай ошириб борди. Ўзида педагогик маҳорат қирраларини шакллантирди. Замонавий педагогик ва ахборот технологияларини мукамал эгаллашга, компьютер саводхонлигини кўтаришга эришди.

Битирув малакавий иши тўла яқунланган, муайян илмий ва амалий қийматга эга деб ҳисоблаймиз.

Талаба Тоғаева Нозиманинг битирув малакавий ишини тугалланган деб ҳисоблаймиз ва ҳимояга тавсия этамиз. Ишнинг мазмуни ижобий баҳога лойиқ эканлигини қайд этамиз.

## **Тақризчи:**

### **2-умумтаълим мактаб ўқитувчиси**

**ГДУ Бошланғич таълим йўналиши битирувчиси Тоғаева  
Нозиманинг “Бошланғич синф ўқувчиларида халқ оғзаки ижодининг  
аҳамияти” мавзусидаги битирув малакавий ишига раҳбар**

## **Хулосаси**

Давлатимизнинг ҳозирги куни ва истиқболи ёш авлоднинг тарбиясига чамбарчас боғлиқдир. Соғлом авлодни етиштиришда бошланғич синф ўқувчиларининг фанларга қизиқишларини янада орттириш, уларнинг таълим тарбия жараёнида қатнашишда машғулотларни тўғри олиб бориш муҳим ўрин тутди. Бу соҳага жумҳуриятимиз раҳбарияти, айниқса Президентимиз И.А.Каримов катта эътибор билан қарамқдалар.

Талаба Тоғаева Нозиманинг битирув малакавий ишининг кириш қисмида муаммонинг долзарблигини асослаб, унинг мақсад, объект, предмет ва вазифаларини аниқ белгилаб олган.

Мазкур тадқиқот ишининг биринчи бобида тадқиқотчи ўқувчиларни халқ оғзаки ижоди асосида тарбиялашнинг шакл ва усуллари афзалликларини ва ўзига хос хусусиятларини илмий манбаларга асосланган ҳолда чуқур ва ҳар томонлама таҳлил қилиб беради.

Битирув малакавий ишининг тадқиқотчи ўқувчиларни халқ оғзаки ижоди асосида тарбиялашнинг турли хил шакллари ва ноанъанавий ўқитиш усулларида фойдаланган ҳолда, ўз олдига қўйган мақсад ва вазифаларни моҳирлик билан амалга оширди. Тадқиқот ишининг натижаси ўлароқ келтирилган илмий ва амалий тавсиялар ишонарлиги билан диққатга сазовордир. Ундан ҳозирги кунда барча бошланғич синф ўқитувчилари ўз касбий фаолиятларида фойдаланмоқдалар.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда, интернет маълумотлари мавзу мазмунига мос келади.

Битирув малакавий ишининг баъзи саҳифаларида жузий камчиликлар ҳам учраб туради. Лекин, бу камчиликлар битирув малакавий ишининг нуфузига таъсир этмайди.

Тоғаева Нозиманинг “Бошланғич синф ўқувчиларида халқ оғзаки ижодининг аҳамияти” мавзусидаги бакалаврлик даражасини олиш учун тайёрлаган битирув малакавий иши тугалланган тадқиқот иши бўлиб, унга қўйилган талабларга тўлиқ жавоб беради ва уни ҳимояга тавсия этса бўлади.

**Илмий раҳбар**

**Н.Нуралиева**